O'ZBEKISTON

Ушбу сонда:
2 ИЗОҲСИЗ КЕЧИКИШ
РАИС ПУШАЙМОН...
3 ЧАЛКАШ ёхуд ўзгарган рақам "ЎЙИН"
4 ИНДИРА ГАНДИ: ЭРТА СЎЛГАН ГУЛ

MEZON:

Давлат органлари фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 21 (328)
2003 йил
27 МАЙ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

БИРДАМЛИК ВА ИШОНЧ НАМУНАСИ

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар жараёни барча жабҳаларда изчил давом этаётгани айни ҳақиқат. Хўш, бу ўзгариш ва янгиланишлар жойларда қандай кечмоқда? Бу жараёндаги бош мезон — "Инсон ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар инсон учун" шиори ҳаётда қандай акс этаётир? Юртимизнинг чекка-чекка минтақалари аҳли бугун қандай орзу-ўйлар билан яшаяпти? Уларнинг қандай ҳаёт ташвишлари бор? Халқнинг қувончу ташвишлари билан шерик ва ҳамдард бўлиб яшаётган давлат раҳбари борки, у ҳар доим шу каби саволларга жавоб излайди, бутун мамлакатдаги бу борадаги вазиятдан хабардор бўлишга ҳаракат қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча Фарғона водийсига қилган сафари жойлардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишишга бағишланди. Яна шуниси билан аҳамиятлики, Президент халқ билан бугунги ҳаёт манзаралари, дилдаги эзгу ниятлар ва уларнинг ижобати хусусида самимий суҳбат қурди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг 14-15 октябр кунлари Президентимиз Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида бўлганида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш, тарихий-меъморий обидаларни кўздан кечириш ва уларни таъмирловчиларга қимматли маслаҳатлар бериш билан бирга жойларда бунёдкорлик ишлари борищи билан танишган эди. Ушанда мазкур вилоятларнинг бир қатор хўжаликларида бўлиб, қишлоқ одамлари билан самимий ва сидқидилдан суҳбатлар ўтказгани халқимизда катта таассурот қолдирган эди. Шунингдек, бу сафар давлатимиз йўли меҳнат билан маънавият уйғунлигини таъминлаш йўли эканлигини яққол исботлаган воқеа сифатида мамлакатимиз тарихига муҳрланган эди.

Энди Президентимизнинг Фарғона водийсига ташрифига тўхталадиган бўлсак, бу минтақа вилоятлари ислоҳотларни самарали кечаётгани, деҳқончиликда янги-янги ютуқлар қўлга киритилаётгани, бунёдкорлик ишларини жадал давом этаётгани, энг муҳими, халқи фаровонроқ ҳаёт кечираётгани каби омилларни ҳисобга олганда, бошқа вилоятларга нисбатан етакчилик қилмоқда.

Мамлакат келажагининг эгалари бўлган ёшларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлод бўлиб вояга етиши доимий диққат-эътиборда экани водий бўйлаб кечган сафар чоғида яна бир карра ўз исботини топди. Президент Ислом Каримов Андижонга сафарини вилоят марказидан бунёд этилаётган янги стадионни бориб кўришдан бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки яна бир ҳафтадан сўнг Андижонда бошланадиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ҳам айни эзгу мақсад йўлидаги галдаги қадамдир. Президентимиз бу масканни кўздан кечирар экан, спорт мусобақалари миллий қадриятларимизга мос равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратди. Зеро, бу ёшларда ватанпарварлик туйғусини ўстириш билан бирга уларда миллий ўзликни англаш жараёнини жадаллаштиради. Наманган шаҳрида бунёд этилаётган "Ёшлар спорт мажмуи" қурилишида бу мажмуининг вилоят аҳли, хусусан, ёшларнинг севимли масканига айланиши учун барча жиҳатлар ҳисобга олиниши лозимлиги борасида давлатимиз раҳбари ўзининг қимматли мулоҳазаларини билдирди: **"Бу каби мажмуалар бугунги кунда ноёб архитектура ечими ва энг замонавий қурилиш жиҳозлари ҳисобига бетакрор кўринишда барпо этилишига эътибор қаратилиши керак. Шу билан бирга янги иншоотлар атрофига дарахт экиш ва уни парваришлаш масаласи ҳам доимий диққат-эътибордан четда қолмаслиги зарур."**

Фарғона водийси қадимдан деҳқончилик ўчоғи бўлиб келган. Бу анъанани фарғоналик деҳқонлар бугун ҳам давом эттирмоқда, янги-янги мактабларга асос солишаяпти. Президент таъкидлаган каби, **бу мактаблар замирида аввало, деҳқон меҳнати, заҳмати ва пешона тери ётибди.** Ана шу омиллар ҳосиласи ўлароқ Андижонда пахтачилик борасида ўзига хос тажриба тўпланди. Бу эса бошқа минтақаларидагилар учун ибрат вазифасини ўташи мумкин. Шу жиҳатдан ёндошганда, яхши самара бераётган пленка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш лозим.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Деҳқон ана шу каби меҳнатидан қанчалик манфаатдор? Фермерлар, ширкат аъзолари ва пудратчилар йил бошида унинг охирига бориб хирмон кўтарилганда, даромадини қанчалик хом чўт қилган? Давлатимиз раҳбари бу каби саволлар атрофида сўз юритар экан, далада меҳнат қилаётган ҳар бир киши бугунги меҳнатининг самарасини ҳис қила билиши, унга ишониши керак, дея таъкидлади.

Фарғона водийси истиқлол йилларида мамлакатимизнинг саноатлашган воҳасига айланди. Буни биргина ушбу сафар чоғида Президентимиз кўздан кечирган кейинги йилларда қад ростлаган ёки қайта реконструкция қилинган "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Автоойна" ва "Кварц" акционерлик жамияти, "Nestle" қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Саноатни тараққий эттиришнинг муҳим аҳамияти шундаки, у ўзимизда етиштирилаётган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига ички ва ташқи бозордан даромад олишни кенгайтириш баробарида янги иш ўринларини яратишнинг энг тўғри йўлидир. Ана шунда хориждан қиммат нархларда тайёр маҳсулот сотиб олиш камаяди, уларнинг ўрнини ўзимизникиси эгаллайди. **"Аҳоли фақат дала ишлари билан машғул бўлиб қолмаслиги керак. Ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш орқали ўз хомашёмизни тўлиқ қайта ишласак, юрт обод бўлади, эл фаровонлиги ошади. Долзарб бўлиб турган ишсизликнинг кескин камайишига муваффақ бўламиз."**

Давлатимиз раҳбарининг Намангандаги сержантлар тайёрлаш мактабига ташрифи Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган кунга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари сержантлар билан мулоқотда ушбу қарор мазмунмоҳиятини атрофлича тушунтириб берар экан, армия ислоҳотида сержантларни ўқитиш ва тарбиялаш муҳим эканини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Қарорига мувофиқ 2003 йилда муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, ҳарбий қисмларни спорт инвентарлари ва тренажёрлари, замонавий компьютер техникалари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун зарур миқдордаги маблағ йўналтирилишини маълум қилди. Хуллас, Президентимиз бу ерда ҳам миллий профессионал армияни шакллантириш йўлида амалга оширалаётган, оширилажак ишлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг Фарғона водийсига қилган сафари ғоят самарали кечди. У халқимизнинг бирдамлигини, эртанги кунга ва амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишончининг мустаҳкам эканини кўрсатди. Бу бўлиб ўтган самимий учрашув ва суҳбатлар чоғида яққол намоён бўлди.

Мадамин САФАРОВ,
шарҳловчи

АНДИЖОН МАКТАБИНИНГ СИРИ НИМАДА?

ҳосил кузда сарҳисоб қилинади, лекин деҳқончилик йил-12 ой давом этади

Bugunning gapi

Асли деҳқончилик қилиш қайси ойдан бошланади, деб сўрасангиз, андижонликлар ҳосил кузда сарҳисоб қилинади, лекин деҳқончилик йил 12 ой давом этади, деб жавоб беришади. Бу гапнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканини биргина ширкат хўжалиги тимсолида кўриб чиқайлик. Мисол учун айтсак, ширкат хўжалик минг гектар ерга буғдой, яна шунча жойга пленка остига пахта экади дейлик. Ишлов агротехника асосида олиб борилишидан ташқари, икки ёнма-ён катта пайкалларга бир хил экин экилмайди. Бирида пахта, бирида буғдой ундирилади. Бу биринчидан, сув танқис пайтида ҳам мушкуллик туғдирмайди, иккинчидан, ернинг дам олиши, ўзига керакли ўғит йиғиб олишига ёрдам беради. Июн ойида буғдойдан бўшаган минг гектар ер чуқур ҳайдалгач, 500 гектарига, асосан деҳқонлар ўзлари учун қўшимча даромад ва ширкат хўжалик чорваси учун чилги маккажўхори уруғини экишади. Бўш қолган 500 гектар ер фосфор ва маҳаллий ўғит сепилиб ҳайдаб қўйилгач, кеч кузгача жазирама қуёш нурини эмиб ётади. Натижада тупроқнинг унумдорлиги ортади. Кеч кузда теккисланиб эгат олиб қўйилгач, майдоннинг райига қараб қишда яхоб сув ва яна маҳаллий ўғит берилиб, намлиги, озуқадорлиги тобига келтирилади. Шу тариқа эрта баҳорда чигит экиш учун тайёр бўлади.

Пленка остида чигит экилиб, майдонда уруғ бир текис ундириб олингач, ғўза ўн қулоқ бўлгунча мунтазам ишлов берилади, яъни чопиқ, ягоналаш, ўғитлаш, суғориш ишлари вақтида, бир дақиқа ҳам кечиктирилмай олиб борилади. Агротехника талаблари асосида парваришланган пахта толаси август ойидаёқ пишиб етилади. Бир ойлик теримдан сўнг майдондаги ғўзапоя йиғиб олиниб, пахта ўрнига буғдой экилади. Бу усул ернинг дам олишига имкон яратади.

Чигит қадалган пайкалга кул ва гўнг ҳали ғўза ниҳоли уч-тўрт қулоқлик пайтидаёқ, сув тарашдан олдин сепилиши аввало пайкалда намликни сақлашга ёрдам берса, иккинчидан, маҳаллий ўғитларнинг қуёш ботгандан сўнг ўзидан кун бўйи эмган иссиқликни қайтариб чиқариши ёш ниҳолни тунда ҳам ривожи баравж давом этишига, кўчат бақувват бўлиб етилишига кўмаклашади. Шундан сўнг ғўза турли касалликларга чалинмайди. Томирлари ва танаси мустаҳкамланиб, сувсизлик ва ҳароратга чидамли бўлади. Ўғитлаш ишлари асосан кўчатнинг навниҳол пайтида амалга оширилиши муваффақият калитидир. Суғориш ишлари ҳам аксарият тунда ва тонг саҳар паллада амалга оширилади. Шунингдек, ҳар бир пайкалнинг ёнбошига ўра ковланиб, қишда унга гўнг тўкилади. Саратон суви пайкалга ўша гўнгўра орқали ўтганидан пайкал сув билан бирга шарбатга ҳам тўйинади. Ғўза чаноқлари айни шоналаш пайтида бу усул жуда қўл келади. Таъкидлаш жоизки, баён этилган тадбирларни ҳар бир андижонлик деҳқон беш қўлдай билади. Лекин янги мавсумга уруғ тайёрлаш ҳақиқий деҳқонинг бу борадаги дастлабки иши ҳар пайкалда қандай нав ўзини қандай тутишини таҳлил этишдан бошланади. Натижада уруғ тури деҳқоннинг буюртмаси билан тайёрланиб, у ҳали ерга қадалмасдан олдин барча зарур агротехника қоидалари ишлаб чиқилади.

Шу ўринда пленка усулининг афзалликлари хусусида икки оғиз сўз. Пленка экинни эрта ривожлаштириш, ерни намлигини сақлаш билан бирга пайкалга солинган ўғитларнинг муайян қисмини осмонга буғланиш ва уни турли ёввойи ўтлар истеъмол қилишидан сақлайди. Очиқ жойдаги пахта пайкали эрта баҳордаги дўл ва ёмғир туфайли кўп марта қатқалоқ бўлади, натижада навниҳол ғўза танаси маълум даражада қисилиб қолади. Шу фурсатдаёқ ривожи сустлашиб, кейинчалик ҳам касалманд боладай нимжон ўсади. Иккинчидан, пленкасиз майдонни ҳар ёмғирдан сўнг қайта-қайта ёввойи ўт босиб эканинг эркин ривожига тўсқинлик қилади. Шу боис пайкалга солинган ўғитларнинг ҳам ҳаммаси ғўзага етиб бормайди. Ер пленка билан қопланганда эса буларнинг бари бартараф этилади.

Энди такрорий экин ҳақида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, буғдой ўримидан сўнг бўшаган минг гектарлик майдоннинг ярми деҳқонларга қўшимча томорқа сифатида бўлиб берилиб, у ерга асосан Андижон чилги маккажўхори уруғи қадалади. Агар уруғ 14 июлгача экилиб, бир марта суғориб олинса, у саксон кунда пишади. Ҳар гектардан 30-33 центнердан дон, 200-250 центнердан пишган силос ўриб олиниши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда.)

O'ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

☑ *В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримов Бирлашма жамоасига табрик мактуби йўллади.*

Шунингдек, жамоанинг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида Президент Фармони ҳам эълон қилинди.

☑ *Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" ҳамда "Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.*

☑ *Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида "Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари" мавзусида илмий конференция ўтказилди.*

☑ *Республика Фанлар академиясида табиий бирикмалар кимёси бўйича бешинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди.*

☑ *Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.*

☑ *Тошкентда савдо-иқтисодий ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.*

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерликка кенг йўл очилган. Ҳозирги пайтда бу борада ислоҳотлар изчилик билан амалга оширилмоқда. Бироқ ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилаётган, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашаётган, бир сўз билан айтганда, тараққиёт йўлига тўсиқ қўйишга уринаётган айрим амалдорлар ҳам йўқ эмас. Қуйидаги аччиқ сатрлар баъзи бир виждонини йўқотган, қонунни оёқости қилаётган амалдорларга қаратилган. Бу сўзлар ўз эгасини топиб, уларни инсофга чақиради, деган умиддамиз.

ТАДБИРКОР НИДОСИ

Элнинг ризқин излаб даладан, қирдан,
Гул ундирар чоғда ҳатто тақирдан,
Усмай қолдим ноҳақ текшир-текширдан,
Инсоф қутаётиб, хун бўлди жигар,
Ахир қўясанми, йўқми, фирибгар?!

Сур очофатми, ё қароқчимисан,
Мансабдор қавмидан пойлоқчимисан,
Теримни ҳам шилиб олмоқчимисан?!
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Ахир тўясанми, йўқми, фирибгар?!

Розиман пешонам ёритган тердан,
Меҳнатим сийлаган қадрдон ердан,
Бу ҳақни Истиқлол Сардори берган,
Инсоф қутаётиб, хун бўлди жигар,
Қўясанми, йўқми ўзи, фирибгар?!

Экканда, текканда келасан сўраб,
Қора тер тўкканда келасан сўраб,
Оқ туя чўкканда келасан сўраб,
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Тўясанми, йўқми ўзи, фирибгар?!

Ундай деса, бундай айлантирасан,
Бундай деса, ундай айлантирасан,
Бир пасда минг битта тусга кирасан,
Инсоф қутаётиб, хун бўлди жигар,
Ахир қўясанми, йўқми, фирибгар?!

Кийим-бош сўрайсан боши ялангдан,
Тап тортмай кексаю ёшу ялангдан,
Қарзим бормиди ё катта холангдан,
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Ахир тўясанми, йўқми, фирибгар?!

Умрида кетмонни ушламаган кас,
Адлия китобин хушламаган кас,
Мулкнинг мақомини уқмаган нокас,
Инсоф қутаётиб, хун бўлди жигар,
Қўясанми, йўқми ўзи, фирибгар?!

Айт энди, тутмасми халқнинг уволи,
Менинг тушларимда юртнинг иқболи,
Сенинг хушларингда ишрат хаёли,
Инсоф тилаётиб хун бўлди жигар,
Тўясанми, йўқми ўзи, фирибгар?!

Акиф АЗАЛП

Xabar

ТИЖОРАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ КОДИФИКАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛИ

Тадбиркорликни ривожлантириш — бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ва ушбу вазифанинг амалга оширилиши, энг аввало, тижорат қонунчилиги самарадорлигини оширишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада тижорат қонунчилигини кодификациялаш алоҳида аҳамиятга эга. Адлия вазирлигида "Ўзбекистон Республикасида тижорат қонунчилигини кодификациялашнинг истиқболлари" мавзуида бўлиб ўтган халқаро семинар ана шу масалага бағишланди.

Уни адлия вазирининг биринчи ўринбосари И.Абдуллаев кириш сўзи билан очар экан, мазкур семинарда мамлакатимизда тижорат қонунчилигини кодификациялаш йўли билан такомиллаштириш масалалари, шунингдек, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза юритилади, — деди. Бир қатор ривожланган мамлакатларда тижорат қонунчилигининг вазифаси ва ривожланиши шуни кўрсатадики, айрим давлатларда Фуқаролик Кодекси билан бир қаторда Тижорат Кодекси ҳам мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятини бевосита тартибга солувчи тарқоқ ҳолдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, шунингдек, мазкур меъёрий ҳужжатларни қўллаш амалиётини умумлаштириш тижорат қонунчилигини кодификациялашнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди ва бу борада муайян натижаларга эришилди. Шундай қилиб, бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг ҳуқуқий аспектларини таҳлил қилиш зарурати етилди. Мазкур семинар ҳам моҳият-эътибори билан шу жараённи янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Семинар ишида тижорат қонунчилигини кодификациялашнинг халқаро тажрибаси, АҚШ Тижорат Кодексининг тарихи, тижорат қонунчилигининг мамлакатимиздаги аҳволи ва уни такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Семинар ишида Ўзбекистон ҳамда Германиянинг нуфузли олимлари, Америка юристлар ассоциациясининг вакиллари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мутахассислари иштирок этишди.

Қонунлар, қарорлар, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга республикамизнинг бутун ҳудудида бирдек амал қилинади, жумладан, тақдимномада кўрсатилган камчиликларни тугатиш, қонунбузилишларни батараф қилиб, унга белгиланган муддатда жавоб қайтариши керак. Бу тартиб Жиззах тумани мутасаддиларига ҳам дахлдор, албатта.

Tahlil va saboq

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

ёхуд жавобсиз қолган тақдимнома қиссаси

Вилоят адлия бошқармаси томонидан иш режага асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда қабул қилинган 347-сонли қарори ижроси Жиззах туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш"** бўлимида амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганилган. Ва адлия бошқармаси аниқланган камчиликларни батараф этиш тўғрисида Жиззах туман ҳокими К.Қобилов номига 2002 йил 12 декабрда 05-02-0278-сонли тақдимнома тайёрлайди. Тақдимнома ўша куни туман ҳокимлигига 35-сонли почта паттаси билан жўнатилади.

Аслида ҳамма машмаша ана шундан сўнг бошланади. Гап шундаки, орадан анча кунлар ўтса-да, тақдимномага жавоб келавермайди. Ўз навбатида вилоят адлия бошқармаси ходимлари бунинг сабаби билан қизиқканларида, **"Тақдимнома бизга етиб келмади"**, деган жавобни эшитишади. Аслида ҳам, шундайми? Йўқ.

Чунки "Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти "Учтепа" филиали директори муовини О.Холжигитов томонидан вилоят адлия бошқармасига тақдим этилган маълумотнома ҳам бу фикрнинг ёлғон эканини исботлайди.

"... адлия бошқармаси томонидан 12.12. 2002 йилда юборилган хат 21.12.2002 йилда Жиззах тумани ҳокимлиги умумий бўлимига имзо билан топширилган".

Хўш, буёғини энди қандай тушуниш керак? "Тақдимнома бизга етиб келмади", дея ҳокимиятдагилар ёлғон важ кўрсатиб нимага эришмоқчи эди ўзи? Бу гал эса адлия бошқармаси ходимлари тақдимнома нусхасини бу гал шу йилнинг 3 февралида туман ҳокимлиги умумий бўлимига, янада аниқроқ айтганда, ҳоким ёрдамчиси Худоёр Бобожоновнинг шахсан қўлига топширишади.

Энди сиз ўтган гал хатодан ҳокимиятдагилар тегишли хулоса чиқариб олгандир, деб ўйлаган чиқарсиз?

Рости гап, аввалига биз ҳам шундай фикрда эдик.

Бироқ ҳокимиятдаги масъуллар пинак бузмасликнинг анчагина ҳаддини олишган экан. Буни қарангки, тақдимнома яна жавобсиз қолади. Ҳа, шундай. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси тўпланган ҳужжатларни жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судига юборди. Суд **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги Кодексининг 198-моддаси асосида ҳокимлик "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш" бўлими бошлиғи Н.Акрамов ва бўлим томонидан вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини назорат қилиш юклатилган масъул — туман ҳокимлиги иқтисодиёт ишлари бўйича ўринбосари Н.Бердикуловга огоҳлантириш беради.

(Давоми иккинчи бетда.)

АНДИЖОН МАКТАБИНИНГ СИРИ НИМАДА?

ҳосил кузда сарҳисоб қилинади, лекин деҳқончилик йил-12 ой давом этади

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

— Ўз тажрибамдан биламанки, — дейди андижонлик бир деҳқон, — жайдари маккажўхори уруғини 14 июлгача экиб улгурмасангиз, кейин дони ҳам, пояси ҳам пишмайди. Демак, ғаниматсаналмиш июл ойида уруғни экиб, биринчи суғоришга улгуриш зарур. Қисқаси, ўтган йилги пайкал буғдой сомонидан тозалангач, 10 гектар майдонга 700 кило маккажўхори уруғни экдим. Кейин дарҳол экинга пешма-пеш сув тарадим. Чунки ёзги экиннинг ривожи экилган кунидан эмас, сув ичган пайтидан ҳисобланади.

Хуллас, 14 июлда 10 гектарлик майдонни экиб тўлиқ сувдан чиқариб олдим. Парвариш вақти етганда, яна техника ва кетмон билан чопиқдан чиқардим. Ҳар гектарига 100 килограммдан селитра бериб, яна сув тарадим. Кузгача 5 марта суғордим. Ҳосил тайёр бўлди. 9 июлда экилиб, ўша куни сув ичган уруғ 80 кунда, яъни 29 сентябрда пишиб етилди. 10 июлда экилгани эса 15 кун фарқи билан 14 октябрда ранг қайтарди. Саратонда бир кун кеч экилган уруғ кузда 15-20 кун орқалаб пишар экан. Демак, саратоннинг ҳар дақиқаси ғаниматэканлигини ўшанда билдим. Ўзим деҳқончилик қилган майдоннинг ҳар гектаридан 250-300 центнердан маккажўхорининг пишган пояси, 25-30 центнердан дон ўриб йиғдим. 10 гектар ердаги такрорий экиндан 4 миллион сўм соф фойда олдим.

Кўриниб турибдики, буғдой ўримидан сўнг бўшаган ерларга имкон қадар хонаки чилги маккажўхори уруғи экилса, ҳар гектардан 350-400 минг сўмдан соф даромад олиш мумкин. Бу экин ернинг агротехникаси ва таркибига ҳеч қандай салбий таъсир этмайди. Бундан ташқари, деҳқон иккинчи ҳосилдан ҳам мўмай даромад олиб, турмуш фаровонлиги ортади.

— Бу йилгидай кечикиб экилган ғўзани эрта пишириш учун нималарга эътибор бериш лозим? — деб сўраймиз яна деҳқондан.

— Май ойида экилган ғўзага икки қулоқлик пайтидаёқ 1 гектарига 300-350 килограмдан кул ва эланган гўнг сепиш керак. Чунки ушбу маҳаллий ўғитлар экинга озуқа бўлиш билан бирга ўзидаги иссиқни тунда ҳам сақлаб қолади. Пахта иссиқсевар ўсимлик бўлгани боис унинг тез шоналашида ҳароратнинг ўрни беқиёс. Аслида пахтага асосий ишлов ва ўғит етти қулоқ давригача мунтазам бериб борилса, ғўза қувватга кириб, шира, ер, сувсизликдан келиб чиқувчи турли касалликларга чалинмай ўсади. Бир кунда экилган ғўзанинг кул ва гўнг сепилган томонидаги ниҳоллари шу маҳаллий ўғитлар берилмаган томонга нисбатан ўн-ўн беш кун эрта етилади ва очилган кўсакдаги пахтаси ҳам сифати ва ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Май ойида экилган ғўза ниҳолларига вақтида сув тараб, ери тобига етганда бошқа минерал ўғитлар кул ва гўнг билан биргаликда сепиб турилса, ниҳолларнинг ривожи тезлашади. Зеро, кул ва гўнг захни тортиши баробарида намликни ҳам яхши сақлайди. Энг асосийси, баҳорги дўл ёки сел пайтида гўнг ва кул сепилган пайкаллар кучли қатқалоқ бўлмайди. Агар табиий ўғитлардан сўнг суфер фосфат ҳам сепилса, ҳашорат ва ширага қарши самарали ҳимоя тизими вужудга келади.

Бундан ташқари, кул ва гўнг ерни ниҳоятда юмшатиб, пахтанинг 100-120 кунда очилишига замин яратади.

Андижонда яна бир тажриба мактаби бор. Гап шундаки, бу ерда аксарият полиз ва сабзовот экинлари иссиқхоналарда етиштирилади ёхуд кўчатлари ўша жойда тайёрланиб, кейин кенг майдонларга кўчириб экилади. Иссиқхоналарда йил давомида 3-4 марталаб ҳосил олинади. Кўчат қилиб кўчириш ҳам деҳқончиликда катта даромад манбаи эканлиги ўзини исботламоқда. Айниқса, шоличиликда кўчат кўчириб ҳосил етиштириш яхши натижа бермоқда. Аввало эрта баҳорда бир қулоч жойга қалин қилиб, катта майдонга етгулик шоли уруғи сепилиб ундирилади. Буғдойдан сўнг бўшаган майдонлардан жой олиб кейин ўша кўчатлар суғорилган жойга суқиб чиқилади.

Маълумот тариқасида айтадиган бўлсак, Андижонда дунёнинг энг яхши, ширин ва сифатли девзира гуручи етиштирилади. У харидоргирлигидан ташқари, тез пишарлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг уруғ 8 июлгача ерга сочилса, саксон кунда ҳосили пишади. 1 гектар ерга юз кило уруғ сепиб 3-4 тонна гуруч олиш мумкин. Бу эса такрорий экиндан 4-5 миллион сўм соф даромад деганидир. Андижонда деҳқон билан раҳбарлар ўртасидаги муносабат ҳам ўзгача. Раҳбарлар ишловчилар учун барча шароитларни яратиб қўйишган. Ерга солинадиган минерал ва маҳаллий ўғитлардан тортиб, деҳқоннинг ўзига таалуқли муаммолар ҳам ўша жойнинг ўзида ижобий ҳал этилади. Деҳқон раҳбарнинг олдига эмас, раҳбар деҳқоннинг олдига боради. Барча қулайликлар яратилгани боис деҳқон иштиёқ билан, астойдил ишлайди. Айнан деҳқончилик ва бошқа қатор соҳалардаги ютуқлар туфайли Андижонда қурилиш, ободончилик ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти куни кеча бу вилоятда бўлиб Андижон пахтачилик мактабида ўзига хос тажрибага эга бўлган Асака туманидаги "Шарқ ҳақиқати" ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан самимий суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Президентимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш, яхши самара бераётган пленка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу йил баҳорнинг серёғин келиши ниҳоллар ривожини кечиктирди. Эндиги асосий вазифа агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш билан бирга маҳаллий ўғитлар ёрдамида ишлов бериш муҳим омиллардан бири эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Хулоса ўрнида айтсак, Андижонда қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби вужудга келган. Бу мактабнинг тажрибаларини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш, бошқа вилоятларда ҳам яхши самара бериши шубҳасиз.

Шуҳрат МУСАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Anjuman

БИЛИМЛАР СИНОВИ

Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича талабалар якунловчи олимпиадаси бўлиб ўтди. Ушбу олимпиада мусобақаларининг биринчи босқичи илгари вилоятларда ўтказилиб, юқори кўрсаткичга эришган энг зукко ва билимдон талабалар иккинчи босқичга йўлланма олишган эди.

Беш фан йўналиши бўйича ўтказилган беллашувларда Азиз Рустамбоев (ТДЮИ), Санжар Суяров (ИИА), Жаҳонгир Яхшиликов (СамДУ), Ҳожиакбар Одилқориев (ИИА) ва Жавлон Жўраевлар (ТДЮИ) мутлоқ ғолиб деб топилиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Иккинчи ўрин Диёрбек Сатторов (ИИА), Маҳмуд Маҳаматов (ТДЮИ), Омирбой Худойбергенов (Нукус), Улуғбек Каримов (ЎзМУ), Элбек Давроновларга (СамДУ) берилди. Баҳодир Шокиров (ЎзМУ), Раҳимжон Ҳакимов (Наманган), Дилшод Зокиров (ИИА), Сайёра Соатова (ТДЮИ) ҳамда Зулнур Қурбоновлар (ИИА) эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Шунингдек, Хуршид Ибрагимов (Андижон), Отабек Мавлонбердиев (Гулистон), Мирзобедил Назаров (Наманган), Умирбек Ҳасанов (Нукус) ва Элмурод Ортиқовлар (ЎзМУ) совринли ўринларга муносиб топилди. Олимпиаданинг ғолиблик мақомини қўлга киритган барча иштирокчилари дипломлар, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва китоблар билан тақдирланди.

Мазкур анжуман талабаларнинг ҳуқуқшунослик борасидаги билимларини синовдан ўтказди. Бу эса уларнинг келажакда етук ҳуқуқшунос кадрлар бўлиб етишишларига ёрдам бериши шубҳасиз.

Олим НАРЗУЛЛАЕВ

Tahlil va saboq

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК

ёхуд жавобсиз қолган тақдимнома қиссаси

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Ниҳоят, шунча оворагарчиликдан сўнг орадан беш ой ўтгач, шу йилнинг 7 майида туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи К.Нўъмонов имзоси билан бошқармага жавоб хат тариқасида маълумот келди. Агар жавоб билан танишсангиз, расмиятчилик, ўзибўларчилик Жиззах туман ҳокимлигида чуқур илдиз отганлигига гувоҳ бўласиз. Бундай дейишимиз боиси бор, албатта. Нега деганда, ҳокимлик томонидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан умуман чора кўрилмаган. Жавоб хати "**бирмунча ишлар амалга оширилади**", "**юборилмоқда**", "**назоратга олинди**" сингари қуруқ гаплардан иборат бўлиб қолган.

Мисол учун тумон ҳокимининг ўтган йил октябрдаги 1111-К сонли қарори билан олти нафар якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилган. Улардан Дилмурод Муродовга таалуқли ҳужжатлар тўпламида давлат божи тўланлигани тўғрисида тўлов паттаси мавжуд эмас. Бундай қонунбузилишларга яна тўртта ҳолатда йўл қўйилган. Юқоридаги қонун талаблари бузилаётганлиги тақдимномада кўрсатилганди. Бироқ ҳокимиятдан келган жавобда бу ҳақда «лом-мим» дейилмаган. Шунингдек, тақдимномада ўн икки ҳолатда фуқаролар - Д.Муродов, Ф.Фозилов, Н.Ҳасанов, Р.Саидазимовлар ўз аризаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жой деб уйларини кўрсатгани яъни жисмоний шахслар аризаларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жой давлат ҳокимияти идоралари томонидан белгиланмагани, қўшимча равишда улар бундай жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмагани қайд этилган эди. Бундан ташқари, туман ҳокими қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган тадбиркорлар - Ш.Бурхонов, Т.Қодиров, С.Очилов, Б.Мамадиев ва бошқалар бўлимга қонун талаби асосида зарурий ҳужжатларни тақдим этмаганликлари аниқланиб, бу қонунбузилишлар ва камчиликлар тузатилиши лозим эди. Минг афсуски, жавобда бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган.

Тақдимномага келган мужмал жавоб юзасидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бир масала кишини ўйга толдиради. Гап шундаки, "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш" бўлими бошлиғи Н.Акрамов ўз вазифаси моҳиятини тушунмайдими? Ёки туман ҳокимлигида ўтирган бошқа масъуллар мужмал жавоб билан қонунбузилишларни изга солиб бўлмасликларини наҳотки билишмаса? Масалага юзаки қараш, ўзибўларчилик кайфиятига берилиш, юзхотирчилик қилиш, қонунбузилишларни хаспўшлаб, камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан чора кўрмаслик оқибати қандай бўлади?

Яқинда вилоят адлия бошқармаси туман ҳокими номига "**Эътироз хати**" жўнатди. Унда тақдимномани ҳокимлик йиғилишида мутасадди ходимлар иштирокида қайта муҳокама қилиш, кўрсатилган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан назорат режаси ҳамда бажариладиган ишлар режасини ишлаб чиқиш лозимлиги баён қилинган. Шу билан бирга камчиликларни бартараф этиб, қонунбузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан Меҳнат Кодексининг 181-моддасига кўра интизомий жазо чораларини қўллаш, қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилганлиги юзасидан асослантирувчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда қонунда белгиланган муддатда батафсил ахборот бериш сўралган.

Хуллас, туман ҳокимиятидагилар бу сафар масалага қандай ёндашади? Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш борасида йўл қўйилган камчилик ҳамда қонунбузилишларни муросасизлик билан нечоғли батараф қилади? Бунга жавоб айтишга ҳали вақт эрта.

Демак, таҳририят бу мавзуга яна қайтади.

Муқаддас ОРТИҚОВА,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Ёлғиз оёқ йўл

Gazetxon xat yo`llabdi

"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг шу йил 11 март сонида "Суньий тўсиқ" сарлавҳали танқидий мақолада Наманган шаҳар умумий овқатланиш жамоа корхонаси қошидаги "Наргиз" қаҳвахонасини хусусийлаштириш борасидаги юзага келган тўсиқ ва муаммолар қаламга олинган эди.

Мақола газетада эълон қилингач, "Наргиз" қаҳвахонасини хусусийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий томонга қараб ўзгара бошлади. Шукрки, бахтимизга вилоят адлия бошқармаси ва унинг ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашадиган, билимдон мутахассислари бор экан. Улар бизга таалуқли бўлган барча масалаларни ипидан-игнасигача ўрганишди. Керакли пайтда ўзларининг фойдали маслаҳатларини бериб бордилар. Натижада йиллар давомида ечимини топа олмаётган муаммо ҳал этиладиган бўлди. Шу йилнинг тўққизинчи апрел куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг кассацион босқич суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ажримига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 10 январ 2003 йилдаги даъвогар — вилоят адлия бошқармасининг, жавобгар — Наманган шаҳар умумий овқатланиш жамоа корхонасига нисбатан даъвосини қисман қаноатлантириш ва жавобгар зиммасига "Наргиз" қаҳвахонаси алоҳида юридик шахс сифатида ажратиб чиқариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Наманган вилоят адлия бошқармасининг қўшимча даъвоси қисман қаноатлантирилди. Наманган шаҳар умумий овқатланиш жамоа корхонаси бошқарув ҳайъатининг 2003 йил 6 февралдаги 3-сонли қарори бекор қилинди. Умумий овқатланиш жамоа корхонасининг савдо тармоқларини жамоа таркибидан чиқариш ишчи гуруҳи зиммасига "Наргиз" қаҳвахонаси мулкларини унинг жамоаси вакиллари иштирокида қайта нархлаш мажбурияти юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг муаммомизни ҳал этишда яқиндан кўмак берган таҳририят ижодий ходимларига чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз.

Шуҳрат ШАРИПОВ,
Наманган шаҳри

* * *

Ҳозирги кунда 80 ёшдаман. Умримни фақат ижтимоий-фойдали меҳнат билан ўтказдим. Куч-қувватим борлигида қурувчи уста сифатида юртдошларимга баҳоли қудрат кўмагим тегди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи», деган фахрий унвонга мушарраф бўлдим. Боғ-роғ барпо қилдим. Аммо кексайган пайтимда менга нисбатан адолатсизлик қилишаётгани, 15-20 йилдан буён ўз меҳнатим ва маблағим эвазига, ташландиқ-хароба аҳволдаги ерни ўша пайтдаги Урганч шаҳри раҳбариятининг мутасаддиларининг топшириқларига биноан, не бир машаққатлар эвазига ўзлаштирган еримни, тўғрироғи, ҳозирги кунда катта бир боғимни менинг розилигимсиз қўлимдан тортиб олишаётгани ҳақида "Инсон ва қонун" газетасига шикоят қилгандим. Шундан сўнг газетанинг махсус мухбири Абдулла Собиров ҳақиқатни аниқлаб, гувоҳлар билан суҳбат ўтказиб, далилларни тўплади. Ниҳоят, ушбу масала юзасидан газетанинг шу йил 11 март сонида "Чекиниш" сарлавҳали мақола чоп этилди. Ҳозирги кунда ушбу иш Хоразм вилоят фуқаролик ишлари бўйича-судлов ҳайъатида қайта кўрилиш арафасида турибди. Умид қиламанки, ҳақиқат қарор топади, адолат тантана қилади. Ўзим ўзлаштирган 4100 кв. метр ердаги боғимга "эгалик ҳуқуқини" белгилаб беришади.

Шу ўринда менинг мурожаатимни эътиборсиз қолдирмай, қонуний ва амалий ёрдамларингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳайитбой БОЛТАЕВ,
Урганч шаҳри

Qonun ko`magi

РАИС ПУШАЙМОН...

Ҳозир қишлоқда ким кўп — фермерликка ҳавасманд кўп. Бунинг бир сабаби янгилик бўлса, иккинчи томони — ҳар ким ўз аравасини ўзи тортади. Сайҳунобод туманидаги "Шўрўзак" ширкат хўжалигида оилавий пудрат бошлиғи бўлиб ишлаётган Абдуҳолиқ Холматов ҳам шундай ниятда фермер бўлишга жазм этди. У ўтган йилнинг 12 декабр куни ўзи пудратчи бўлган 181-контурдаги 22 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этиш учун рухсат беришни сўраб ширкат хўжалиги раиси номига ариза берди. Шундан сўнг унга жавоб кута бошлади. Кунларнинг бирида у ўзи пудратчи бўлган ер майдони уруғчилик компаниясига қарашли пахта тозалаш заводига уруғлик чигитларнинг маҳаллий иқлим шароитларига мослаштирилган янги навларини яратиш ва синаб кўриш мақсадида фермер хўжалиги очиш учун бериб юборилганини эшитиб қолди. Бу ҳақда шу йилнинг 4 март куни ширкат хўжалиги кенгашининг қарори ҳам чиққан экан. Шу боис А.Холматов дарҳол ширкат хўжалиги раиси Усмон Искандаров ҳузурига етиб келди. Бироқ нега ерни бировга бериб юбордингиз, деган саволга жўяли жавоб олиш ўрнига раисдан дўқ-пўписа эшитди.

Бундан таажжубга тушган Абдуҳолиқ Холматов Сайҳунобод туман ҳокимиятига мурожаат этди. Ҳокимиятдагилар унга "ер хўжаликники, нима қилса ўзи билади", дея жавоб беришди. Бу гапни эшитиб ҳайрати баттар ошган пудратчи ниҳоят вилоят адлия бошқармасига келиб, мазкур муаммони ечишга ёрдам беришни илтимос қилди.

Адлия бошқармаси ходимлари пудратчининг важларини текшириш давомида ажабтовур ҳолга дуч келишди. Гап шундаки, 2002 йилнинг 4 март куни ширкат хўжалиги кенгашининг йиғилиши бўлмаган, бундан кенгаш аъзолари раис муовини Абдусамад Тожибоев, бош ҳосилот Додо Наврўзов, бош ҳисобчи Абдулла Ярлақабов ва кенгаш котиби ҳам бехабар экан. Маълум бўлишича, қарорни раис Усмон Искандаров туздириб, кейин котибга имзолатган. Шунингдек, раис ҳақли аризага беш ойдан буён ёзма жавоб бермай, маъмурий жавобгарлик жиноятини ҳам содир этган. Раис бу ҳолни "пахта майдонларини қисқартириш мумкин эмаслиги сабабли аризачига ер берилмаган, иш кўпайиб кетгани учун вақтида жавоб беролмаганман", деб изоҳлади. Шундай бўлса-да, раис барибир жавобгарликка тортилди.

Жиноий ишлар бўйича Сайҳунобод туман суди ҳуқуқбузар У.Искандаровнинг чин кўнгилдан пушаймонлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат, деб таснифлади ва унга МЖТКнинг 43-моддасига асосан жарима тайинлади.

Дарвоқе, пахта тозалаш заводи вакили судга "ер пудратчининг ўзида қолди", деган мазмундаги тушунтириш хатини тақдим этди. Бу сарсон бўлган пудратчининг кўнглига таскин берадими ёки йўқ — буни вақт кўрсатади.

Зокир ОТАБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Diqqat: muammo

ЖАРИМАНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Ўтган йили Сирдарё вилоятидаги ёнилғи етказиб берувчи ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг айрим раҳбарлари томонидан 2800 минг сўмлик 23 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-тарож қилинган. Шу йилнинг ўтган 4 ойида эса бу "кўрсаткич" 250 тоннани ташкил этди. Бу 21316 минг сўмлик зарар демакдир. Аниқроқ айтганда, йилнинг биринчи чорагида хўжасизлик туфайли 288782 минг сўмлик 1395 тонна нефт маҳсулотлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилган. 816 тонна, яъни 141516 минг сўмлик маҳсулот эса мақсадсиз сарфланган. Носоз ва аккумляторсиз техникалар мотори бекор ишлатилгани учун 2366 минг сўмлик маҳсулот ортиқча чиқим қилинган бўлса, 239 миллион сўмлик маҳсулот бошқа ташкилотларга "ҳадя" этилган. Бу — масаланинг биринчи жиҳати.

Энди иккинчи жиҳатга эътибор беринг: ўтган йили вилоятда маҳсулотдан тўғри фойдаланмаган ва сақлаш чорасини кўрмаган корхона ҳамда хўжаликларга 5599 минг сўм жарима ҳамда 15253 сўм иқтисодий жарима солинган. Мисол учун айтсак, Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги ДФХУ раҳбарлари сўнгги икки йилда 1266 минг сўмлик ёнилғини талон-тарож қилишиб, 45750 минг сўмлик ёнилғини мақсадсиз ишлатишган. Шу боис "Ўзнефтгазназорат" инспекцияси уюшмага 137250 минг сўм жарима солган. Ҳолбуки, уюшма 2002 йилда жами 66 миллион сўм даромад олган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, хўжаликка ким кўпроқ зарар етказаяпти — собиқ раҳбарларми ёки "Ўзнефтгазназорат" инспекцияси? Бунга жавоб топишдан олдин бир мулоҳазани таъкидлаб ўтиш жоиз: ушбу жаримани тўлаш учун уюшма деҳқонлари икки йил текин ишлаши лозим!

Бундай мантиқсизликни шу тумандаги "Дўстлик" ДФХУ мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур уюшма раҳбарлари 5220 минг сўмлик ёнилғини талон-тарож қилгани, бошқаларга бериб юборгани, шахсий машиналарига қуйиб олгани ва меъёридан ортиқча сарф бўлишига йўл қўйгани учун "Ўзнефтгазназорат" уюшмага 10100 минг сўмлик иқтисодий жарима қўллаган.

Кўриниб турибдики, айрим раҳбарларнинг айби учун хўжалик деҳқонлари жабр тортаяпти. Шу сабабли улар жаримани ким айбдор бўлса, ўша тўласин, деб айтишмоқда. Бу ҳақли талабда жон бор. Чунки бундай жарима солиш усули яна бир муаммони келтириб чиқармоқда. Гап шундаки, катта миқдордаги жаримани пул билан тўлашга ҳамма хўжаликнинг ҳам қурби етавермайди. Шунда жаримани ундириш хўжаликнинг мол-мулкига қаратилади. Қараб турибсизки, бутун бошли бинолар, шийпонлар, фермалар, саройлар, автомашиналар, юриб турган тракторлар, ҳатто ет участкалари турли назорат қилувчи идоралар ихтиёрига ўтказилиб, "кимошди" савдосига қўйиб юборилади. "Кимошди" савдосида эса уларнинг ҳақиқий нархи анча пасайиб кетади.

Хуллас, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги деҳқонларга қимматга тушмоқда. Зеро, баён этилган масаланинг туб илдизи раҳбар масъулиятига келиб тақалмоқда. Ўйлаймизки, мутасаддилар муаммога шу нуқтаи назардан ёндашишади ва унинг оқилона ечими топилади.

Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Adliya tizimi

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 12992 та хўжалик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 966 таси кичик тадбиркорлик субъектлари, 373 таси ўрта тадбиркорлик субъектлари ва 10493 таси микрофирмалардир.

2003 йилнинг биринчи чораги давомида Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига тадбиркорлардан 63 та ариза келиб тушди. Уларнинг асосий қисми қаноатлантирилди, 10 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 11 та ариза бошқа тегишли идораларга жўнатилди.

Адлия вазирлиги томонидан ўтган 2002 йилда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фуқаролик ишлари судларига 23 та, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судига 171 та даъво аризалари киритилди. Даъво аризалари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилмоқда.

ИЗОҲСИЗ КЕЧИКИШ

Деновлик тадбиркор Ш.Қурбонов "Пахтабанк"нинг туман бўлимидан ҳисоб рақами очгач, ташвишлари бир мунча камайгандек бўлди. Ахир, ўнга яқин ҳужжатни қонун талаблари асосида расмийлаштиришнинг ўзи бўлмайди-да! Энг муҳими, энди унинг банкда ҳисоб рақами очилган эди.

Чорвачилик билан шуғулланишни ният қилган Ш. Қурбонов ўзича бир талай режаларни тузиб, енг шимариб ишга киришди. Қараса, дастлабки сармоя бўлмаса, ишлар бир жойда тўхтаб қолади. Шу сабабли у 2001 йилнинг 21 май куни 1 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли кредит сўраб банкка мурожаат қилади. Ана шундан сўнг унинг ҳаловати бузилди, «югур-югур» бошланди. Бошқача айтганда у тез кунда кредитни олиш игна билан қудуқ қазишдан ҳам машаққатли эканини ҳис этди. Кредит оламан деб мурожаат қилмаган жойи қолмади. Унинг барча аризаларига жавобан банк томонидан жамғарма маблағларнинг етишмаслиги ҳамда кредит бериш лимити тугагани қўрсатилган.

Хўш, аслида ҳам шундайми?

Келинг, яхшиси, тадбиркор нега кредит ололмагани сабабларини атрофлича таҳлил қилиб кўрайлик.

Ш.Қурбоновга "Пахтабанк" бўлимлари томонидан 2001 йилнинг 29 июнидаги 2001146-сонли алоқа хатда кичик ва ўрта бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг режа миқдори тўлиқ ажратилган бўлсада, банк рад жавоби беришдан сира чарчамаган. Аслида эса, 2001 йилнинг 12 октябрида тадбиркорлар Н.Бобоевга ишлаб чиқариш учун навбатсиз 2000.0 минг сўм, Н.Олтибоевга 1600.0 минг, 7 июл куни Ғ.Ниёзмуродовга 1600.0 минг сўм, ўша йилнинг декабр ойида М.Меликуловга 2000.0 минг сўм, У.Эшонқуловга 1500.0 минг сўм, С.Шариповага 1600.0 минг сўм кредит ажратилган.

Албатта, биз юқорида номлари қайд этилган тадбиркорларни кредит олгани учун айблаш фикридан йироқмиз. Лекин ўз навбатида шундай ҳақли савол туғилади: улар қаторида яхши ният билан фаолият бошлаган Ш.Қурбоновга нега кредит берилмади?

Бунинг учун ким айбдор?

Биринчи уриниши чиппакка чиққан тадбиркор 2002 йилнинг 25 январ куни чорвачиликни ривожлантириш учун ем-хашак сотиб олиш мақсадида иккинчи марта 3 йил муддатли 10 фоизлик кредит сўраб, яна банкка ариза беради. Қарзни қайтаришга кафолат берувчи тумандаги энг бадавлат "Лочин" фирмасининг кафолат хатини ҳамда ушбу фирма фаолиятини тасдиқловчи аудит хулосасини ҳам тақдим этди. Банкдагилар бу сафар бироз юмшагандай бўлишди. 2002 йил 2 февраль куни "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи номига 24006/28-сонли алоқа хати ёзиб, шунга кўра «Бизнес фонд»дан тадбиркор Ш.Қурбоновга 1 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишни сўраб реестр юборилади. Аммо "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси раҳбарияти тадбиркор Ш.Қурбоновга реестер режадан ортиқ тақдим қилинганлигини важ қилиб, рад жавобини беради. Тадбиркор табиийки, бундан норози бўлиб, яна «ёз-ёз»га тушади.

Хўш, нега тадбиркор Ш.Қурбоновга яна кредит берилмади? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

Гап шундаки, банк маъмурияти томонидан тадбиркорга кредит ажратишдаги режалар бажарилган, деб рад жавоби берилган бўлсада, 2002 йилда 26 февраль куни "Азимбобо" фермер эса "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармасига 15 миллион ўрнига "Бизнес-фонд" бошқармаси томонидан 24 миллион 37 минг сўм, яъни белгиланган режадан 9 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган.

Ана шундай катта миқдордаги маблағдан ҳам тадбиркор кредит олмагани ҳар қандай кишини ажаблантиради, албатта.

Кредит ажратишдаги бундай сансоларлик сабабларини ўрганиш давомида тадбиркор Ш.Қурбоновнинг аризаси нафақат банкдаги шикоятларни рўйхатга олиш ҳамда кредит беришни навбатга қўйиш китобида рўйхатга олинмаган, балки изсиз йўқотиб юборилганлиги аниқланди. Бундан ҳам қизиғи шундаки, кредит олишдаги ариза топилмаган, аммо банкда негадир кредит ажратиш тўғрисида ер реестр «Пахтабанк»нинг вилоят бўлимига юборилган, деб жавоб йўллашган.

Тадбиркорнинг 2002 йил 28 март куни имтиёзли кредит ажратишни сўраб ёзган аризаси эса кредит олиш рўйхатига қайд қилинмасада, ундан кейин кредит сўраб мурожаат қилган 7 нафар мижозга 11 млн. сўм миқдорда маблағ банк томонидан навбатсиз бериб юборилганини қандай баҳолаш керак? Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, деб шунга айтишадими?

Бир тадбиркорнинг кредит олиш машмашаси икки йилдан буён ана шу зайлда чўзиб келинмоқда. Уни қачон, ким ҳал қилади, буниси ҳам номаълум. Эҳтимол бунга энди мутасаддилар аниқлик киритишар...

Собир КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Dakki

Huquqiy ma`rifat

ТОВАРНИНГ ХИЗМАТ МУДДАТИ

Фуқаролик ҳуқуқида шундай муддатлар ҳам борки, бунда ишлаб чиқарувчи белгиланган вақт оралиғи мобайнида сотиб олувчи (харидор, истеъмолчи)нинг товардан тайинланиш мақсадига кўра фойдаланиш имкониятини таъкидлаши ва ўз айби билан вужудга келган товардаги нуқсонларни бартараф этиш мажбуриятини олади. Бундай муддатлар товарнинг хизмат қилиш муддати деб аталади. Хизмат муддати — товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим. Товарнинг хизмат қилиш муддатлари одатда узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарга нисбатан тадбиқ этилади ва қанча вақтгача товардан фойдаланиш мумкинлигини англатади.Тегишли муддат ўтгач эса товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, товардан фойдаланмаслик лозим бўлади. Масалан, телевизорнинг хизмат қилиш муддати 20 йил қилиб белгиланган бўлса, бу муддатнинг ўтиши билан истеъмолчи телевизордан фойдаланишни тўхтатиши зарур. Акс ҳолда юзага келган зарар учун ишлаб чиқарувчи ва сотувчи жавобгар бўлмайди.

Товарнинг хизмат қилиш муддати товарнинг яроқлилик муддатидан тайинланиши (белгиланиши)га кўра ҳам фарқ қилади. Одатда яроқлилик муддати меъёрий-техник ҳужжатлар билан белгиланса, хизмат қилиш муддати ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан ёки ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги келишув билан белгиланади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товарнинг сифати, чидамлилиги, бардошлилиги каби жиҳатларига асосланиб, ундан қанча вақтгача фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди. Товарнинг хизмат қилиш муддати товар истеъмолчига топширилган пайтдан, агар буни аниқлашнинг имкони бўлмаса, товар ишлаб чиқарилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланиши ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида бундай муддат бўлмаган тақдирда эса товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотига етказиб бериши шарт ("Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси).

Ушбу қоидада белгиланган ҳолатлардан келиб чиқиб, товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида ишлаб чиқарувчининг зиммасида қуйидаги мажбуриятлар борлигини кўрсатиш мумкин:

— товардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

— товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

— ўзи ишлаб чиқарган товарга етарли ҳажм ва турдаги эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериш

Товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида ишлаб чиқарилган товардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига товар тўғрисидаги тегишли маълумотларни бериши, товар фойдаланиш учун зарур бўлган ашё ва ҳужжатларнинг топширилиши, зарур (истеъмолчи мурожаат қилган) ҳолларда товардан фойдаланиш жараёни тўғри амалга оширилаётгани ёки йўқлигини тушунтириб бериши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқараётган товарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни ташкил этиши шарт. Бундай қоидани белгилаш орқали қонун чиқарувчи истеъмолчи ҳуқуқларини товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида кафолатлашни назарда тутади. Агар ишлаб чиқарувчида техник хизмат кўрсатиш масаласига оид шундай мажбурият бўлмаса, унинг товарга нисбатан белгиланган хизмат қилиш муддати мобайнида истеъмолчи товардан фойдаланиш имкониятини йўқотиши мумкин. Айнан шундай ҳолатнинг мавжудлиги мамлакатимизга кириб келаётган хорижий товарлар ёки янги ишлаб чиқарилаётган товарларга нисбатан бир қанча таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш марказларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Масалан, "ДЭУ" маркази, "ВАЗ" автомобилларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва ҳоказолар.

Ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товарлар учун етарли ҳажм ва турдаги эҳтиёт қисмларини ҳам ишлаб чиқариши ёки ана шундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши зарур. Эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни ишлаб чиқарувчининг ўзи ёки у томонидан ташкил этилган бошқа шахслар ҳам амалга ошириши мумкин. Эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш билан бирга ишлаб чиқарувчи уларни савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб туриши керак.

Ишлаб чиқарувчининг санаб ўтилган мажбуриятлари ўн йил муддат давомида амал қилади ва бу муддатнинг ўтиши мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келади. Ушбу муддат ишлаб чиқарувчи товарни ишлаб чиқаришни тўхтатган кундан бошлаб ҳисобланади.

Товарнинг хизмат қилиш муддати одатда, узоқ муддат фойдаланиладиган ва истеъмол қилинадиган (қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган ва бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган) ашёларга қўлланилади. Бундай ашёлар жумласига ускуналар, транспорт воситалари, радио, телевизор ва шунга ўхшаш товарлар киради.

Хизмат қилиш муддати тамом бўлгач, истеъмолчи (харидор) ўзининг мулки бўлган товарни ташлаб юбориши, ундан воз кечиши, йўқ қилиб юбориши шарт ҳисобланмайди. Аксинча, фойдаланиш унга нисбатан ҳеч қандай жавобгарликни вужудга келтирмайди. Айниқса, бундай ҳолат автомобиллардан фойдаланишда яққол кўзга ташланади. Ҳозирда бундан ярим аср олдин ишлаб чиқарилган ёки ундан ҳам кўп вақт мобайнида фойдаланилиб келинаётган автомашиналар мавжуд ва автомобил эгаларига хизмат қилиш муддати тамом бўлган автомашинадан фойдалангани учун ҳеч қандай мажбурият юкланмайди. Зеро, қонунчиликда хизмат қилиш муддати тамом бўлган товар сотиб олган шахс унга нисбатан ҳуқуқларини йўқотади, деган қоида мавжуд эмас. Қолаверса, Фуқаролик Кодексининг 164-моддаси мулк ҳуқуқининг муддатсизлигини кафолатлайди.

Кўплаб иқтисодий ривожланган давлатларда (масалан, АҚШ, Францияда) хизмат қилиш муддати тамом бўлган товарлар ишлаб чиқарувчи томонидан қайта сотиб олинади ёки баҳодаги тегишли фарқ тўланиб, янгиси билан алмаштириб берилади. Масалан, "Reno" компанияси хизмат қилиш муддати тамом бўлган автомобилларни қайта сотиб олади ва улардан хомашё сифатида фойдаланади. Бу билан ишлаб чиқарувчи ҳам бозордаги ўз мавқеини сақлаб қолади, ҳам иқтисодий фойда кўради. Бунда истеъмолчининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинади.

Хулоса ўрнида айтсак, хизмат қилиш муддати истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати ва фуқаролик ҳуқуқидаги муддатларнинг бир тури сифатида ҳар доим муҳим аҳамият касб этади.

Нурилло ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЕГДИЕВ

Mitti maslahat

АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

Инсон ҳаёти ҳар доим ҳам бир текисда кечмайди. Ҳар хил сабаблар билан баъзан эр-хотин ажралишиб кетади. Бундай ҳолатда қонунчилик фарзанд таъминоти учун ота тарафга моддий ёрдам — алимент тўлаш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, бу мажбуриятдан қасддан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳам жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Жиноят Кодексининг 122-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб, 3 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик учун жавобгарлик белгиланган. Бу ҳолда айбдор энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки 6 ойгача қамоқ билан жазоланади.

Бундан ташқари, Оила Кодексининг 142-моддада ҳам алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модданинг 1-қисмида айтилишича, алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга мувофиқ, алимент тўлаш шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Яъни алимент тўлаш мажбурияти бу ҳақда тузилган келишувда (Оила Кодекси 130-моддаси) акс этган бўлиб, ушбу мажбурият алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан бажарилмаса, жавобгарлик келишувда назарда тутилган тартибда белгиланади. Шартнома асосида алимент тўлашга масъул бўлган шахснинг ўз вақтида уни тўлмаслиги оқибатида, яъни унинг айби билан маълум миқдордаги қарз жамламаси вужудга келса, унга нисбатан шу шартномада кўрсатилган жавобгарлик белгиланиши мумкин. Мазкур модданинг 2-қисмида талабига асосан, суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент маблағининг ўндан бир фоизи миқдорида устама тўлайди. Алимент суд қарорига мувофиқ ундирилганида (Оила кодекси 136-моддаси) ва алимент тўлашга масъул шахс томонидан унинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, бундай шахсга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган воситалардан бири ҳисобланган устама ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмай қолган алимент миқдорининг ўндан бир фоизи ҳажмида қўлланилади.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 14-моддасида кўра, агар алимент тўлаш мажбуриятини бузган шахс шу бузиш оқибатида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарарни тўлашни талаб қилиш билан бир вақтда бой берилган фойданинг бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли, экани баён этилган.

Dardlashuv

"ИШДАН НОҲАҚ БЎШАТИЛДИМ, БИРОҚ..."

Мен 1966 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимида, 1979 йилдан Андижон вилояти эндокрин касалликлари диспансерида бош шифокор бўлиб ишлаб келардим. Олий тоифали шифокор бўлиб, 2001 йил 30 ноябр куни Республика соғлиқни сақлаш вазирлигидан лавозимимга лойиқлик аттестациясидан ўтдим. Вазирнинг буйруғига асосан раҳбар сифатида беш йил ишлаш ҳуқуқига эга бўлдим.

Узоқ йиллар меҳнатим сингган шифохонада беморларга муолажани янада яхшилаш орзусида елиб-югураётгандим. Бирданига нима бўлди-ю, саратонда ёққан дўлдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Акбарали Отахоновнинг 2001 йил 31 декабрдаги 200/2-сонли буйруғи билан мен эгаллаб турган лавозимимдан бўшатилибман. Лекин бу буйруқдан ўзим бехабарман. Мени ишдан бўшатишга меҳнат шартномасининг муддати тугаганлиги асос қилиб олинибди.

Бошқарма бошлиғининг 2002 йил 15 январ кунги буйруғи билан бош шифокорлик вазифасини вақтинча бажариш шу шифохонада бўлим мудири бўлиб ишловчи С.Қаҳҳоровага юклатилибди. Мен 17 январ куни ишдан бўшатилганимни билдим. Чунки С.Қаҳҳорова шу куни ишга киришган эди.

Бошлиқ 17 январ куни мени чақириб, шартнома муддати тугагани учун ишдан бўшашимни, ўрнимни ёшларга бериш лозимлигини айтди. Мен унга ёшларга ўрнимни беришга тайёрлигимни, лекин ишдан бундай ноқонуний бўшатиши, бош шифокорлар билан ҳар йили шартнома тузиш қонунга зид экани, вазирлик шаҳодат комиссиясининг ўз вазифасига лойиқ деб, атиги бир ой олдин чиқарган буйруғини эслатдим.

У қулоқ солмади.

Шундан сўнг касаба уюшмалари вилоят кенгашига ариза билан мурожаат қилдим. Кенгаш томонидан тузилган комиссия аризамни текшириб кўриб, ўз хулосаси асосида мени ишдан ноқонуний бўшатилган деб топди ва ўз вазифамга тиклаш ҳақида тақдимнома киритди. Лекин бошқарма бошлиғи бу тақдимномани рад этди. Кенгаш раисининг иккинчи хати эса мутлақо эътиборсиз қолдирилди.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилиб фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза киритдим. Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳам менинг манфаатларимни ҳимоя қилиб, судга даъво ариза киритди.

Бу аризалар 2002 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судида жуда узоқ вақт кўриб чиқилди. Аммо мени ишга тиклаш ҳақидаги даъвоимни асоссиз деб рад этишди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати 2002 йил 21 август кунги ажрими билан туманлараро суднинг бу қарорини бекор қилди ва ишни янгидан кўриш учун қайтарди. Иккинчи марта кўрган суд ҳам менинг ва касаба уюшма вилоят қўмитасининг даъвоимизни рад этди. Адолатга етишишнинг йўли узоқ ва қийин экан.

Ниҳоят, бизнинг апелляция шикоятимиз фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг апелляция суд мажлисида кўриб чиқилди.

Судда Меҳнат Кодексининг 75-76-моддаларига кўра, 1979 йилдан бош шифокор бўлиб ишлаб келаётганим ва бажараётган ишим бўйича номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлгани ҳолда асоссиз ва ҳеч бир сабабсиз барча меҳнат шартномасини беш йилгача ҳам тузиш мумкин бўлган ҳолда ҳар йили янгидан тузиб келинганини ноқонуний деб топилди.

Хуллас, суднинг ажримига кўра бошқарма бошлиғи томонидан чиқарилган буйруқ бекор қилинди. Мени 2002 йил 1 январ кунидан бошлаб ишимга қайта тиклаш ва мажбурий бекора юрган кунларим учун 2002 йил январ ойидан бошлаб 2003 йил 8 апрел кунига қадар ўртача иш ҳақини ҳисоблаб тўлаш мажбурияти бошқармага юкланди.

Мана, бугун суд ажрими ижро этилди. Мен ишга тикландим, ўн уч ойлик ўртача иш ҳақимни тўлиқ олдим.

Мен, мустақил давлатимизда қонун устуворлигидан, қонун барчага баравар эканлигидан бошим осмонга етгудай қадар хурсанд бўлдим. Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди деганлари рост экан. Иш фаолиятимдаги бу низо ниҳоят адолатли ечим топди.

Лекин бир нарса юрагимни ўртайди: агар бошқарма бошлиғи мени нотўғри, ноқонуний ишдан бўшатмаганда, биринчи инстанция суд одиллик билан даъво аризамни ҳал қилганда мен бунча узоқ вақт маънавий азоб чекмаган бўлармидим?!

Санобар ҲУРИБОЕВА,
Андижон вилояти

Қалбларда кезинаётган баҳор

Ajab savdolar

ЧАЛКАШ "ЎЙИН"
ёхуд ўзгарган рақам

Собиқ шўро тузуми қарийб бир асрча бебаҳо ўтмиши, қадриятидан узилиб яшаган халқимизнинг маънавий дунёсида муайян даражада салбий асоратлар қолдирди. Ва афсуски, бугунги кунда ҳам баъзи ана шу асоратлар сезилади. Баъзан эса фирибгар кимсадан кетма-кет панд егач, чинакам муҳтож одам қарз сўраб ялинса-да, ёрдам беришга иккиланиб қолар экансан, киши. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганлари шу бўлса керакда! Бинобарин, кейинги пайтда ўз қўли билан қарз бериб, оёғи билан югуриб пулини қайтариб ололмай саргардон бўлиб юриш ҳолатларини учратиш мумкин. Бу ҳол барча-барчамизни одамларнинг ишончига кириб олиб, чув тушириб кетувчи кимсалардан ҳамиша огоҳ бўлишимизни тақозо этади. Қуйида баён этиладиган воқеа тафсилоти ҳам бевосита шу ҳақда.

Термиз шаҳрида яшовчи Муқаддас Халилова таҳририят йўллаган шикоят хатида ёзилишича, у эски таниши Ҳанифа Алимардоновага катта миқдорда қарзга пул берган. Ҳ.Алимардоновага ширин гаплари, хушомадлари билан аризачини шу қадар ўзига ром этадики, натижада М.Халилова унга 1700 минг сўм пул, бозор нархида юз минг сўм турадиган чарм плаш, бир дона тилла узук (ўттиз минг сўм), бир жуфт тилла зиракни (70 минг сўм) қўшқўллаб топширади. Бироқ қарзни қайтариш Ҳанифанинг хаёлига келмайди. Шундан сўнг М.Халилованинг сарсонсаргардонлиги бошланади. Иш шу даражага етадики, М.Халилова фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига қарзни ундириб бериш ҳақида мурожаат этади.

Суд муҳокамаси бошлангач, Ҳ.Алимардонова судга келмайди. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди 2002 йилнинг 19 декабр куни М.Каримжонова раислигида жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишга қарор қилади.

Суд мажлисида даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди ва жавобгардан М.Халилова фойдасига жами 2.415800 ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Шу ўринда "ана ҳақиқат қарор топибди-ку" десангиз, адашасиз. Гап шундаки, орадан кўп ўтмай, судья М.Каримжонова мутлақо тўнини тескари кийиб олади. Унинг наздида, жавобгар гўё касаллиги туфайли суд жараёнидан бехабар қолган эмиш. Чақирув қоғозларини олган оила аъзолари эса уни хабардор қилишни "унутишибди". Шу тариқа М.Каримжонова Ҳанифа Алимардоновага нисбатан чиқарган 2.415.800 сўмни ундириш ҳақидаги қарор ижросини кечиктириш ҳақида ажрим чиқаради. Суд жавобгарнинг қарзни нақд пул билан тўлаш қобилияти йўқлиги боис тўловни мол-мулкка қаратганди. Яъни, у яшаётган уйининг ўзига тегишли қисми "кимошди" савдосига қўйилиши лозим эди. Бунинг учун муниципиал биржа савдога қўйилажак кўчмас мулклар ҳақида матбуотда эълон бергандан сўнг бир ой муддат харидорлар келишини кутиши лозим эди. Бироқ амалда бунинг тескариси бўлди ва бу Ҳанифа Алимардоновага ғоятда қўл келди: у бу орада уйини сотишга улгурди.

Шикоят хатида баён этилган важларни ўрганиш мақсадида дастлаб М.Халилованинг адвокати билан учрашдик.

— Муқаддас Халилова менинг мижозим, яъни ҳимоямдаги фуқаро. Унинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш адвокатлик бурчим, — дейди адвокат Саъдулла Жанаев — М.Халилованинг муаммосига тааллуқли сўнгги ажримни М.Каримжонова Фуқаролик Процессуал Кодекс талабларига зид равишда чиқарган...

Шундан сўнг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ҳақидаги ажримнинг қанчалик асосли эканини аниқлаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро суди раиси М.Каримжоновага қўнғироқ қилдим.

— Қонун талаби шундай, — деди саволимга жавобан М.Каримжонова. — Беҳуда тортишмасдан, ФПКни яхшилаб ўқиб чиқинг...

— Сиз ҳал қилув қарорида аниқ ва тушунарли қилиб "жавобгар 2002 йил декабр ойининг 12 ва 19 кунларида суд мажлисига чақирилган, чақирув хатини олган бўлса-да, судга келмади ва келмаслик сабаблари тўғрисида судни хабардор қилмади", дея Ҳ.Алимардоновани ишонч билан айблагансиз. Энди эса ажримда "бетоб экан, бошқа шаҳарда даволанган экан, суднинг чақирувидан хабарсиз экан", деб уни қарийб оқла псиз. Қолаверса, адвокатнинг ҳам асосли эътирозлари мавжуд. Учаламиз бир фикрлашсак, яхши бўлармиди?..

— Бу саволимизга судъядан аниқ жавоб ололмадик. Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раиси Хўжамурод Тоғаев ҳузурига кирдик. У киши сўровимизга қуйидагича изоҳ берди:

- М.Халиловага дахлдор ҳал қилув қарори 2002 йилнинг 19 декабрида чиқарилган экан. Унинг ижросини кечиктириш ҳақидаги ажрим эса 2003 йилнинг 17 апрелида чиқарилган. Орадан тўрт ой ўтибди. Демак, ажрим мутлақо ноқонуний! Чунки шикоят ўн беш кундан кечикса, апелляция, 20 кундан сўнг эса кассация тартибида кўрилиш учун ёзилади. Ажримнинг бекор бўлиши турган гап...

Шундан сўнг мазкур фуқаролик ишини кўришда прокуратура вакили сифатида иштирок этган Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари Собиржон Қобиловдан бу чигал масала хусусидаги фикрини сўрадик.

— Шунга ўхшаш бир неча чалкаш ишлари учун суд раиси М.Каримжонова ҳамда судья Д.Алмуротоваларни жазолашларини сўраб юқори идораларига бир эмас, икки марта тақдимномалар киритганман. Аммо улар бундан ҳанузгача тегишли хулоса чиқариб олганлари йўқ, — дея афсус билдирди Собиржон ака.

Ҳақиқатдан ҳам, судья Д.Алмуротова Термиз тумани суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси А.Ибрагимовга шу йилнинг 14 апрел санаси билан "Даъвогар Алимардонова Ҳанифанинг жавобгари Термиз туман суд ижрочисига нисбатан "мол-мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақида"ги фуқаролик иши мавжудлиги сабабли, вақтинча ижрони тўхтатиб турилишингизни сўрайман", деган мазмунда 188-рақамли хат юборган. Шу куннинг эртасига, яъни 15 апрел куни мазмуни шунга яқин хат яна шу манзилга иккинчи марта жўнатилаётир. Бу гал эса хатда даъвогар сифатида Ҳанифа Алимардонованинг эри Жўрабой Ғаниевнинг исм-шарифи келтирилмоқда. Аммо негадир Д.Алмуротова ушбу хатга "127-" тартиб рақамини ёзиб қўйган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Қизиқ, нега 14 апрелда жўнатилган хатнинг тартиб рақами 188, 15 апрелдаги хатники эса 127 бўлади? Бу оддий англашувмовчиликми ёки...

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва муаммолар ҳам бир талай. Юқорида баён этилган воқеа тафсилоти ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Бундан қандай хулоса чиқариш эса мутасаддилар эътиборига ҳавола.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jahon tajribasi

АҚШ: АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИ

Маълумки, Америка Қўшма Штатларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари орасида адлия вазирлигининг нуфузи жуда баланд. Бошқача айтганда, бу идоранинг фаолият мезони бутун ҳуқуқ соҳасини қамраб олади. Қуйида Америка Қўшма Штатлар Адлия вазирлигининг асосий фаолият йўналиши ва тузилиши ҳақида сўз юритамиз.

АҚШ Адлия вазирлиги 1870 йилда ташкил топган бўлиб, унинг марказий идораси Вашингтон шаҳрида жойлашган. Адлия вазирлиги тизимида ишлайдиган ходимлар сони 108 700 нафар кишидан иборат. У АҚШ Президентини ҳуқуқи маслаҳатлар билан таъминлаш, судда ижро ҳокимияти номидан вакиллик қилиш, давлат жиноятларини тергов қилиш, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини таъминлаш, федерал қамоқхоналарнинг фаолият кўрсатишини тартибга солиш, штатлар ва жамоаларда қонунларнинг қўлланилишига кўмаклашиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади.

Унинг тузилиши Адлия вазири – Бош Атторней (Бош прокурор) бошқаруви; Адлия вазирининг биринчи ўринбосари бошқаруви, Адлия вазирининг доимий ўринбосари бошқаруви, Адлия вазирининг ўринбосари – Бош солиситор бошқаруви каби шаклларга бўлинади.

Адлия вазири – Бош Атторней (Бош прокурор) бошқаруви фаолиятига тўхталадиган бўлсак, Бош атторней (Бош прокурор) лавозими 1789 йил 24 сентябрда қабул қилинган қонунчилик суд акти билан ташкил этилган. 1870 йилга келиб Бош атторнейнинг ваколати шу даражада кенгайиб кетдики, натижада мазкур тузилма ҳукумат идорасига айлантирилди. Шу муносабат билан Конгресснинг 1887 йил 22 июндаги қарори билан Адлия вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги қонун ҳужжати қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжати вазир зиммасига мамлакат атторнейлари, суд ижрочилари, суд клерклари ва бошқа федерал судлар мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат қилиш ваколатларини юклади. Шу пайтдан бошлаб вазир бошқаруви бир қанча қонун ҳужжатларини қабул қилди ва улар ҳозирги пайтда ҳам амалда қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда АҚШ Адлия вазирлиги дунёдаги энг катта юридик идора ҳисобланади. У вазирликнинг бошқармалари, бўлимлари ва бюролари устидан назорат ва улар фаолиятига раҳбарлик қилади. У ҳуқуқий масалалар бўйича Президент, ҳукумат, ижро ва ҳукумат идоралари раҳбарларига маслаҳатлар бериш билан ҳам шуғулланади.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари бошқаруви фаолияти ҳам ўзига хос тузилишга эга. Адлия вазирнинг биринчи ўринбосари Адлия вазири – Бош атторнейга вазирлик дастурларининг шаклланиши ва ижро қилиниши бўйича кўмаклашади. У вазирликнинг жиноий суд амалиёти вазифаларини мувофиқлаштирган ҳолда вазирликнинг барча муассасалари устидан ҳар томонлама назорат ўрнатади ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Вазирнинг биринчи ўринбосари вазирликнинг бош шахсларидан бири бўлиб, вазирликнинг бир қанча бошқарув вазифаларига жавобгар ҳисобланади. Биринчи ўринбосар адвокатларга, шунингдек, бош маъмурий хизмат ходимларига маош тайинлаш масалаларини шахсан ҳал қилади. Шунингдек, вазирнинг биринчи ўринбосари судьялик мансабига тайинлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган ҳолда Оқ уй ва Президент маъмурияти ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштиради.

Энди Адлия вазирининг доимий ўринбосари бошқаруви фаолиятига қисқача таъриф берсак, адлия вазирининг доимий ўринбосари барча фуқаролик ва жиноят суд амалиёти масалалари бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда маъмурий назорат қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Доимий ўринбосар фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқлари, антитрест, атроф-табиий муҳит ва табиий ресурслар, солиққа тортиш соҳасидаги қонунчилик бўлимлари фаолиятини назорат қилади. Бундан ташқари, доимий ўринбосар зўрлик билан боғлиқ жиноятлар, 1994 йилда қабул қилинган "Ҳуқуқ қўллаш тўғрисида"ги қонун ҳужжатининг ижроси назоратини таъминлайди. Шунингдек, у вазирлик дастурлари бошқармаси, маҳаллий жамоалардаги низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш хизмати, хорижий давлатлар ва фуқароларнинг даъволари бўйича комиссия, АҚШ федерал мулки васийлари хизмати ва маҳаллий жамоалар даражасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш хизматлари бошқармалари фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади.

Адлия вазирининг ўринбосари – Бош солиситор бошқарувининг асосий вазифаси АҚШ Олий судида давлат фаолиятини амалга ошириш ва назорат қилишдан иборат. Шу боис деярли барча суд жараёнлари Вазир ўринбосари бошқаруви орқали амалга оширилади. Вазир ўринбосари Олий суд олдида даъвогар сифатида давлат ҳокимияти иштирок этадиган суд ишларини белгилайди. У Олий судда давлат манфаати ва қарашларини белгилайди. Вазир ўринбосари – Бош солиситор бошқаруви ходимлари Олий судда кўриб чиқилиши учун давлат ҳокимияти томонидан киритиладиган авф этиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни тайёрлайди.

Бошқарувнинг бошқа вазифаси – апелляция судига протест киритишни аниқлаш мақсадида қуйи судлар томонидан қабул қилинган барча суд ишларини қайта кўриб чиқиш, протест келтирилганда эса бошқарув судида ўзининг манфаатини ҳимоя қилишдан иборат.

АҚШ Адлия вазирлигида бир қанча ташкилий бошқармалар фаолият юритади. Улар жумласига вазирликнинг ташкилий ишлари масалалари, Бош инспектор, Қонунчилик масалалари ва АҚШ Конгресси билан алоқалар, Профессионал жавобгарлик, Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаларини киритиш мумкин. Адлия вазирлиги тизимида суд низолари билан боғлиқ бошқарма ва бўлимлар мавжуд.

Булардан ташқари, Адлия вазирлигида маҳаллий жамоалардаги низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш хизмати; имиграцион назорат бўйича ижро бошқармаси, хорижий давлатлар ва фуқароларнинг даъволари бўйича комиссия; имиграция ва натурализация хизмати; маҳаллий жамоалар даражасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш хизматлари бошқармаси; ахборот ва давлат сирлари бошқармаси; разведка соҳасидаги сиёсат устидан назорат қилиш бошқармаси; ҳукуматлараро ишлар бўйича бошқарма; вазирлик дастурлари бошқармаси; юридик маслаҳатчи бошқармаси; сиёсатни ишлаб чиқиш бошқармаси; АҚШ федерал мулки васийлари хизмати каби қонунчилик ва сиёсатни ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ бошқармалар ҳам мавжуд.

Шунингдек, вазирлик тизимида наркотиклар тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш маъмурияти; федерал тергов Бюроси; қамоқхоналар федерал бошқармаси – Федерал қамоқхоналар корпорацияси; жиноят полицияси халқаро ташкилоти – Интерполнинг АҚШдаги Миллий бюроси; авф этиш масалалари бўйича федерал айбловчи – атторней бошқармаси; АҚШ суд ижрочилари хизмати; АҚШ федерал қонунлари бўйича судланганларни жиноий жазодан муддатидан олдин озод қилиш бўйича комиссия сингари тергов ва ҳуқуқ қўллаш масалалари билан боғлиқ бошқармалар ҳам муҳим вазифаларни амалга оширади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, АҚШда Адлия вазирлиги фаолияти жуда кенг соҳаларни қамраб олади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда ҳуқуқий сиёсатнинг тўлиқ амалга оширилиши айнан мана шу идора фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса Адлия вазирлигига юкланган масъулиятнинг юксак эканини билдиради.

Жамолиддин АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ,
Акмал БУРҲОНОВ

ТЎЙ СЕНИКИ, УЙ СЕНИКИ, АММО УДУМ ХАЛҚНИКИ!

Собиқ шўро даврида дабдабабозлик иллати анча кенг тарқалган эди. Бу ҳол айниқса тўй ўтказишда яққол кўзга ташланарди. 1998 йил 28 октябрда бундай дабдабабозликка чек қўйиш, тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз ўтказиш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди. Шундан сўнг бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширила бошланди. Бунда маҳалла қўмиталари фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Ҳозирги пайтда ҳам бу масала ўз долзарблиги йўқотгани йўқ. Чунки ҳаётда онда-сонда бўлса-да, бу иллатдан қутула олмаётган кишилар учраб туради. Қуйидаги воқеалар тафсилотининг мавзуси ана шу ҳақда.

Илгарироқ дабдабали тўй ўтказган дўстимнинг ҳовлисида эрталаб чой ичиб ўтирган эдик. Дастурхон қотган нон бўлаклари, патир, сомса-ю, варақи бўлакларидан тортиб, эриб кетган конфет, туршак, вафли, торт каби егуликларга лиқ тўла эди. Уларга қараб ўйланиб қолганимни кўриб, уй эгаси хижолатомуз ерга тикилганча изоҳ берди:

- Тўйдан қолган-да...

Шу пайт дўстимнинг болалари мактабга отланишди. Улар дарвозага етганда эътибор бердим: бешовининг ик

- Ҳозир мактабга китоб-дафтар обормайдиган бўлишганми? - дедим уларни ортидан кузатарканман.

Дўстимнинг боши янада қуйи эгилди.

- Шу йил тўй қиламан деб, болаларга китоб-дафтар олиб беролганим йўқ, - деди у эшитилар-эшитилмас овозда.

- Ҳеч бўлмаса, Ҳасан-Ҳусанда бор экан, куйинма, қолганига ҳам бир амалларсан.

- Қаёқда, - деди у қизариб, - Ҳасан-Ҳусанга ҳам мен оберганим йўқ - Президентимиз совғаси.

- Менга қара, тўйни деб шу аҳволга тушдингми ёки бошқа гап борми? - деб дўстимни сўроққа тутдим.

Унинг айтишича, тўй чиқимини кўпайтириб юборибди. Машҳур санъаткорлар навбатма-навбат хизмат қилган, ичкилик деганлари сувдек оққан...

Бугун эса ана шунинг жабрини тортиб ўтирибди.

Хўш, бунга ким айбдор?

САДАҒАНГ КЕТАЙ, МАҲАЛЛАМ!

Довруқли тўй қилгандан кейин Абдували ўзгарди-қолди. Ишга тонг қоронғусида кетиб, кун ботганда бекиниб келадиган бўлди. Дарвоза тақилласа, "мен уйда йўқман" деб, ичкари хонага кириб, чироқни ўчириб олади.

Аслида эса ҳаммасига ўжарлиги сабаб бўлди. Маҳалла оқсоқолларининг сўзига кирмай, тўйни ароқхўрликка, олди-бердини кимўзарга айлантириб юборди. Энг ёмони, тўй куни тартибга чақирган маҳалла оқсоқоли Икром отага "жарақ-жарақ пулни пешона терим билан мен топганман, хоҳлаганча сарф қиламан, тўй меники", деди.

Тўй ўтгачгина, у беҳудага чиранганини англаб етди. Бу орада институтнинг учинчи курсида ўқиётган ўғли Абдувосиқ шартнома пули тўланмагани учун қайтиб келди. Ўғли индамайди. Мана шу индамаслиги уни адойи тамом қилди. Унга ҳар сафар кўзи тушганда баданининг бир парчаси музга айлангандек бўлади. Бу не кўргилик? Обрў-эътиборли, кап-катта одам ўзини ўзи ёнар ўтга солиб ўтирса, ким дардига дармон бўлади? Одамлар нима деркин?

Ич-этини кемираётган ўй-хаёллар билан бўлиб, Абдували дарвоза тақиллаганини дафъатан сезмади ҳам. Кейин эса хотинига "Мен уйда йўқман", - деди-ю, шоша-пиша ичкари хонага ўзини урди.

Хотини келиб, нима гаплигини айтганча, у хаёлан мингта эшикка кириб чиқиб, қора терга тушиб кетди.

- Маҳалла қўмитаси посбони Холдор укангиз келган, - деди хотини хотиржамлик билан, - бирпасдан кейин Абдувосиқ билан идорага чиқар экансиз.

- Муҳокама қилишаркан-да, - ранги ўчди Абдувалининг, - жуда уят бўладиган бўлди-да! Мени уйда йўқ дедингми?

- Яхши гап бор, деб тайинлашибди.

- Яхши гап эмиш, - деди овози буғилиб Абдували, - оқсоқолни ҳақорат қилганим учун участка инспектори чақираётган бўлса керак-да.

Ота-бола маҳалла қўмитаси идорасига етиб борганда оқсоқол ёлғиз ўзи ўтирар, хона эшиги очиқ эди. У қабулга келганларни кўриши билан қатъий овозда гапирди:

- Абдували, сен ўтиратур, ҳозир ўғлинг кирсин. Тағин кетиб қолма.

Оқсоқол Абдувосиқдан ҳол-аҳвол сўради. Кейин ҳаммасидан хабари борлигини айтди.

- Сени ихтисослигинг нима ўғлим? - дея сўради ундан оқсоқол.

- Сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва маркетинг бўйича инженер.

- Қишлоғимизда бир вақтлар қурилган сут қабул қилиш пункти бор-а, кўрганмисан? - деди оқсоқол. - Шуни ўқишни битириб, ишга туширмайсанми?

- Мақсадим ҳам шу эди-да, - деди Абдувосиқ.

- Мақсадинг шу бўлса, эртадан бошлаб институтда ўқишни давом эттирасан. Лекин яхши ўқийсан, хўпми?

- Хўпликка-ку хўп, лекин яқинда менга талабаликдан ҳайдалиш ҳақида буйруқ чиқади, раис бува, - деди йиғламсираб Абдувосиқ.

- Ўғлим, маҳалланинг келажагини ўйлаб, сен каби кадрларга ёрдам беришга ҳокимият билан келишган ҳолда қарор қилдик — институтинг билан шартнома тузиб, керакли маблағни ўтказиб қўйдик.

- Ростдан, ўқийманми? - деди кўзидан ёш оқаркан Абдувосиқ.

Оқсоқол билан Абдувалининг суҳбати узоқ чўзилди.

У раиснинг хонасидан ташқарига чиққанда вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Фараҳбахш ойнинг нурига маҳлиё бўлиб, бир зум туриб қолди. Кейин лаблари тез-тез пичирлади: садағанг кетай, жоним маҳаллам!

«МЕНИНГ ТОЙЧОҒИМ ҚАНИ, ДАДА?»

Инсоннинг табиати қизиқ. Яхши нарсани тез йўқотиши, ёддан чиқариши мумкин-у, лекин ёмон нарсани тарк этиш жуда-жуда қийин. Заррача бўлса ҳам бизнинг заримизга ишлайдиган урф-одату, маросимлардан кечиб юборадиган вақт келди. Дунё ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти. Шундай экан, ёлғон манзират қилишни йиғиштириб, сохта манманликдан қутулайлик.

... Суннат тўйини ўтказиб, бемалол дам олаётган оила аъзолари тонг саҳарлаб, "тўйбола"нинг чинқириғидан уйғониб кетишди. Ялтироқ чопонча, шунга яраша этикча ва бошига уккипар қадалган бежирим қалпоқ кийиб олган Алишер кеча тойчоқ боғлаб қўйилган ёнғоқ ёнида зор йиғлаб турарди.

- Менинг тойчоғим қани? Тойчоғимни топиб беринг, дада...

Ҳамма нима дейишини билмай жим қолди. Уйқусираб ҳовлига чиққан "тўйбола"нинг акаси Ғанишер бир оғиз гапи билан бутун можорани ҳал қилди-қўйди:

- Мен нима эмиш дебман, - деди у уйқусираган кўзларини ёруғдан яшираркан, - той "прокат"га келганди, ёлғондакам той-да, у сеники эмас. Илгари мени ҳам шунақа алдашган. Яхшиси, кириб ухла.

Отасининг индамай бош эгиб турганини кўрган Алишер бирдан йиғидан тўхтади.

- Ҳали шунақами, ёлғончилар, - деганча ғазаб билан олдин қалпоқчани, кейин чопонни икки томонга ирғитди.

Бола-бола-да, уни овутиб олишади, бунга шубҳа йўқ. Лекин битта нарсага шубҳа бор: унинг қалбига бугун ўрнашган нафрат уруғи вақти келиб, ўзини намоён қилмасмикин? Эҳтимол, у ишонган эртаклар эшигини бугун холаю, тоғалар бекитиб қўймадимикин?

... Тошкентдан Бекободга йўл олган "Икарус" қўйиликдан ўтганида ёнимда ҳамроҳим борлиги ёдимга тушиб, унга кўз қиримни ташладим. Чамаси, 50 ёшни қоралаган, юпун кийинган бу йигитнинг деразага тикилган ўйчан кўзларида битмас-туганмас ҳасрат, дард бордек эди.

Азбаройи қизиққанимдан уни гапга солмоқчи бўлдим.

- Йўл бўлсин, оғайни?

- Бекободга қайтаяпман, асли ўша ерликман, - деди у хазин товуш билан.

- Бунча ғамгин кўринасиз, ошна, - дедим самимий оҳангда.

- Соғлигим яхши, мени шу бир йил ичида қариндошларимнинг таъна-дашномлари адо қилди, ака, - деди у бирдан кўзига ёш олиб. - Жуда тўйиб кетдим. Касбим фельдшерлик. Бинойидай ишлаб юргандим, бировдан кам жойим ҳам йўқ эди. Суннат тўйи қилдим-у бошим ғавғога қолди. Тоғаси-ю, холалари ўғлимга той ясатиб келишди. Урф-одатимиз деб қўя қолдим. Базмдан кейин тойни олиб кетишар десам, тоғаси ширакайф бўлиб олиб, "шу тойчоқ жиянимга мендан совға", деб туриб олди. Нега булар бирданига ҳотамтой бўлиб қолишди деб, бир кўнглимга келди-ю, чарчаганим учунми, чуқурроқ мушоҳада қилмадим.

Орадан бир кун ўтиб, тонг палласи ҳовлига чиқсам, тойчоқ кўринмайди. Ялангоёқ ёнғоқ томон югурдим. Жонивор арқонига ўралиб, хириллаб ётибди. Жон ҳолатда чопганча бориб, "ветврач"ни айтиб келдим. Бўлмади. Хуллас, ими-жимида уни сўйиб, гўштини қассобга бериб юбордим. Юрагим хижил бўлса ҳам ўзимга ўзим тасалли бераман: энди у бизнинг мол — хоҳласак боқамиз, хоҳласак сўямиз... Бироқ бўлиб ўтган воқеани эшитгач, биринчи бўлиб хотиним дод солди. "Мунча дод соласан, ўлса битта мол экан, ачинма хотин, десам, у менга, "Той омонат эди, нега бировнинг молини сўясиз", деса бўладими. Кейин билсам, қайним, жияним беш-олти кун ўйнасин, кейин жонига ҳам тегади, шунда олиб кетаман, деган экан.

Орадан кўп ўтмай тойнинг эгаси - қўшни маҳаллада турадиган Шотурсин отбоқар дўқ уриб уйимга келди. "Мен билмайман, тойимни топиб берасан, бўлмаса милицияга айтаман" деди. Ортидан ичиб олиб қайним келди. Қайним "Атайлаб мени тушириш учун қилгансан, палид" деб ёқамга ёпишди. Хуллас, тойнинг эгасига 200 минг сўм берадиган бўлдим. Менга ҳам тинчлик керак, бу пул менда йўқ. Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Ўз ҳисобимдан ишхонадан таътилга чиқдим-да, шаҳарда мардикорлик қилдим. Шу икки ярим ой деганда пулни тўплаб, қарзни тўладим. Оғир юк судраганим учун зўриқиш дардини орттирдим. Ҳозир врачга кўриниб қайтаяпман...

Мен йигитга тасалли беришдан бошқа чора тополмадим.

Mulohaza, mushohada

ТАНТИЛИКМИ ЁКИ?..

Бундан икки-уч йил бурун Бўка туманидаги Қорақўли қишлоғида рўй берган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Наҳорги ошни еб чиққан латвиялик меҳмон дарвоза олдига етганда, ҳамёнини қўлига олди. - Овқатга қанча тўлайман? - дейиши билан ён-атрофдагилар "гур" этиб кулиб юборишди. Меҳмонни кузатиб чиққан фуқаролар йиғини раиси Рустам ака гап қотди:

- Палов текин, бир-икки кунда тушуниб қоласиз.

- Бу келган одамларнинг ҳаммаси текинга ош ейдими? - дея ҳайратдан меҳмоннинг сарғиш қошлари чимирилди, - унда тўй эгаси катта бой экан-да!

- Бой эмас-ку, лекин ўзига тўқ, касби тракторчи, - деди оқсоқол.

- Мен кўпгина чет давлатларда бўлганман, лекин сизларга ўхшаб, минглаб одамга текинга овқат улашган одамни кўрмаганман. Бойлар ҳам бунга қодир эмас. Мен тушунмадим, битта раҳмат учун шунақа чиқим қиласизларми?

Қисқаси, ўзбекни тантилигига тасанно айтганча, меҳмон ҳам юртига кетди.

Меҳмонни кузатиб қайтган Рустам ака ёғоч кароватда ўтирган оқсоқоллар ёнига келиб ўтирди. Унинг зардаси қайнаб гап бошлади:

- Шу ўзбекчилигимиз, мақтанишимиз қолмади-қолмади-да! Мана кўрасиз, энди ажнабийларни ҳам қойил қолдирган Ғанибой биз бўламиз, деб 5 йил керилиб юради.

- Бойликка боймиз, бу тўғри, - деди ўтирганларнинг энг кексаси Аъзамхожи бобо. - Лекин шу бор мол-давлатни тўйга сарфлаш шарт, деган тушунча онгимизга ўрнашиб қолган. Ҳозирги тўйлар кимўзар мусобақа майдони бўлиб қолди.

- Майли, ҳеч ким тўйга қарши бўлаётгани йўқ, - деди Рустам ака, - мана, сиз орзу-ҳавас дейсиз. Орзу-ҳавас фақат тўй қилиш-у, уй қуришдан иборатми? Маҳалламизда битта цех ёки корхона борми? Йўқ. Кўчамизни аҳволини ўзингиз биласиз. Замон ўзгарганини ҳис қилиш керак-да, энди.

Суҳбат шу тахлит узоқ давом этди. Маълум бўлдики, бу муаммонинг кишини ўйлантирадиган жиҳатлари кўп экан. Бу ҳақда истаганча гапириш мумкин. Лекин...

Хулоса шуки, юртимизда тўйлар кўпаяверсин. Чунки тўй-ҳашамлар фаровон турмушимиз белгиси. Бу ўринда эса ортиқча ҳашам, "сендан мен камми" қабилидаги халқимиз маънавиятига ёт иллатлар хусусида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтдик. Зеро, йил бўйи, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт меҳнат қилиб, топган бор мол-давлатини бир кунда совуриб, бола-чақанинг ризқидан қийиб, сандиқ-сандиқ буюм, уй жиҳозлари тўплаётганлар орамизда оз бўлса-да, учраб турибди. Ўйлаймизки, баён этилаётганлардан кимдир керакли сабоқ чиқаради.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bir jinoyat tarixi

ИНДИРА ГАНДИ:

ЭРТА СЎЛГАН ГУЛ

Бутун дунё аҳлини ларзага солган мудҳиш қотиллик юз берган ўша 31 октябр куни эрталаб Индира Гандининг кайфияти бениҳоя баланд, у ўзини қушдек енгил ҳис этган эди. Бундан ташқари, у шу куни англиялик ёзувчи Питер Устинов билан учрашиб, телевидениеяга интервью беришни режалаштирган эди.

Шунинг учун Индира Ганди бу учрашувга алоҳида тайёргарлик кўрган, у телевидениега — миллионлаб одамларга кўриниш беришни ўйлаб, энг чиройли либосларини кийган эди. У хушбичим либосни эгнига илиб, ўзини кўзгуга соларкан, қўйлаги остидаги ўн икки йилдан буён тақиб юрадиган ўқ ўтказмайдиган зирҳ (брони-жилет) қиёфасини бузиб кўрсатиб тургандек туюлди. Шунда у ҳушёрликни унутиб, ўқ ўтказмайдиган зирҳни ечиб ташлади...

Ана шундан сўнг бутун дунё аҳлини ларзага солган қотиллик рўй берди.

У бобосининг бадавлат хонадонида, бунинг устига муқаддас саналган жойда қад кўтарган уйда дунёга келган, шунинг шарафига унга Индира — мамлакат ойи, дея исм беришган эди.

Унга ҳали гўдаклик чоғидаёқ тақдир кулиб боққан, у эндигина икки ёшга тўлганида, миллат отаси саналган Махатма Ганди билан танишган эди. Бу танишув, янада аниқроқ айтганда, Махатма Гандининг оталарча ғамхўрлик ва эътибори унинг ҳаётида сира ўчмас из қолдирган.

Унинг отаси — Неру қизининг муносиб таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор билан қарайди, у гарчи узлуксиз таъқиб остида яшаса-да, фарзандининг келажагини ўз ҳолига ташлаб қўймайди.

Индира 1934 йилда Ҳиндистоннинг машҳур шоири Робиндрант Тагор томонидан ташкил этилган халқ дорилфунунига ўқишга киради. Аммо орадан кўп ўтмай онаси оғир дардга чалиниб қолгач, у ўқишни ташлаб, волидасини даволатиш учун Швейцарияга бориш мажбур бўлади.

Ана шу воқеа сабаб бўлиб, у Европада узоқ вақт қолиб кетади.

Швейцариядаги муолажа онасига фойда бермайди ва у мусофирчиликда дунёдан ўтади. Онасининг бевақт ўлимидан сўнг Индира жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Энг ёмони, юртига қайтишга ҳам умид қолмаган, бобоси ва бувиси аллақачон дунёдан ўтган, отаси эса қамоқхонада ўтирар эди. Ана шундай оғир бир паллада Индира Гандига бир ёш йигит яқиндан кўмак беради. Бу йигит Индиранинг ҳаётига анча илгари кириб келган, онасининг ўлимида ҳам ёнида суянчиқ бўлиб турган эди.

Бунинг устига Индиранинг онаси ҳали ҳаёт чоғида икки ёшнинг бошини қовуштириб кетган эди. Тўғри, бу йигит қуйи табақага мансуб оилада тарбия топган, лекин у ўзининг садоқати билан Индиранинг муҳаббатини қозониб улгурган эди.

Шу билан бирга Индира ўзларига тенг мавқедаги оилага мансуб йигитга турмушга чиқса, эртага эри томонидан эркин ва мустақил фаолият юритилиши чеклаб қўйилиши ҳеч гап эмаслигига ақли етар эди.

Шунинг учун у сира иккиланмай ёнидаги йигит — Ферузга турмушга чиқади ва шундан сўнг эри таҳсил олаётган Оксфорд университетига ўқишга киради.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Индира ва Феруз Атлантика океани ҳамда Жанубий Африка орқали ватанига қайтишади. Йўлда, аниқроқ айтганда, аҳоли зич истиқомат қиладиган Кейптаунеда уларни бир гуруҳ ҳаммиллатлари қарши олади. Ўша пайтда давр ўта таҳликали, одамлар умидбахш ва ишончли бирон-бир фикр эшитишни истар эди.

Индира Ганди ана шу ерда минглаб оломон қаршисида ўзининг биринчи сиёсий нутқини сўзлайди. У ўзига умид билан қараб турган одамларни эртанги кунга ишонч билан қарашга даъват этади ва бунга муваффақ бўлади.

1944 йил Индира Гандининг биринчи ўғли дунёга келади. Орадан икки йил ўтиб, иккинчи ўғли туғилади.

Жавоҳарлал Нерунинг қизи — Индиранинг шахсий ҳаёт йўли ана шу тахлит кечади.

Бу пайтга келиб, мамлакатда жуда улкан ўзгаришлар рўй беради. 1947 йил Ҳиндистон ўзининг мустақиллигини қўлга киритади. Шу муносабат билан Ж.Неру биринчи марта миллий таркибдаги ҳукуматни ташкил этади.

Индира эса бу ишларга фаол қатнашди. У отаси Ж.Нерунинг шахсий котибаси, тенгсиз маслаҳатчиси сифатида чет эл сафарларида ҳам мамлакат ичидаги муаммоларни ҳал этишда ҳам ҳамиша унинг ёнида турар эди.

Шуни айтиш жоизки, Индира Ганди сиёсатга шу қадар аралашиб кетадики, оқибатда ўзининг шахсий ҳаёти, оиласини унутиб қўяди. Бунга қуйидаги воқеа ҳам мисол бўлади. 1960 йилда у отаси ҳамроҳлигида мамлакатнинг жанубий ҳудудида сафарда бўлади. Сафар натижалари жуда муваффақиятли якунланади. Яъни маъмурият билан иш ташлаш эълон қилганлар ўртасида келишув битими тузишга муваффақ бўлинади. Сафардан қайтаётган пайтда эса аэропортда Индирага отасининг ёрдамчиси эри Ферузнинг оғир аҳволда ётгани ҳақидаги хабарни етказади.

Ўша тунни Индира эрининг боши устида ўтказади. Тонгга яқин эрининг жони узилади. Кутилмаганда бошига тушган бу оғир жудоликдан Индира буткул ўзини йўқотиб қўяди, асаб касаллигига йўлиқади.

1964 йил Жавоҳарлаль Неру ҳам ҳаётдан кўз юмади. Шундан сўнг мамлакатда ҳокимиятни қўлга киритиш учун гуруҳлар ўртасига шафқатсиз кураш бошланиб кетади. Кўпчилик Индира Ганди мамлакат раҳбарлигига ўз номзодини қўяди, деб ўйлайди. Лекин мамлакатда кечаётган жараённи зийраклик билан кузатиб турган Индира жуда ақлли йўл тутади. У бу лавозимга отаси Нерунинг содиқ тарафдорларидан бири Шастри номзодини қўллаб-қувватлаб овоз беради.

Индира томонидан узоқни кўзлаб ташланган бу қадам кейинчалик ўзининг тўлиқ натижасини беради. Чунки Шастри кучли шахс эди, унинг ҳимояси остида Индира ўзининг сиёсат борасидаги мавқейини янада мустаҳкамлаб олиши, тарафдорлари сафини янада ошириш имкониятига эга бўлади.

Индира тақдир томонидан ўзига берилган бу имкониятдан жуда ўринли фойдаланади. Шунинг учун ҳам Шастрининг ўлимидан сўнг қирқ саккиз ёшли хушқомат Индира Ганди мамлакатдаги энг юқори лавозимни қўлга киритади.

Ўн икки йил давомида мамлакат раҳбари сифатида фаолият олиб борган Индира Ганди жуда кўп ютуқларни қўлга киритди. У ўзининг ишончли қадами билан мамлакат ҳаётида сезиларли ўзгариш ясай олди. Энг муҳими, у мамлакатда Ҳиндистон миллий конгресси партияси пайдо бўлишида сезиларли ҳисса қўшади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатда диний ва маҳаллий можаролар яна авж олади. Айниқса, диний можароларнинг кучайиши, турли оқимларнинг вужудга келиши мамлакат ҳаётига очиқ-ошкор хавф сола бошлади.

Ана шундай террорчилик гуруҳларидан бири Амритсардаги Олтин ибодатхонани эгаллаб олади. 1984 йилнинг июлида Индира Ганди армияга террорчиларга қарши шафқатсиз ўт очиш, ибодатхонани тозалаш ҳақида буйруқ беради. Бу жангда террорчилик гуруҳнинг раҳнамолари билан бирга минглаб одамлар қурбон бўлади.

Ўшанда ибодатхона террорчи гуруҳлардан тозаланади. Бироқ бу ҳол мамлакат ҳаётига таҳдид солиб турган хавфни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилмайди. Аксинча, вазиятни баттар мураккаблаштириб юборади. Энг ёмони, мамлакат бош вазири Индира Гандининг хавфсизлигига ҳам ҳеч ким кафолат беролмай қолади.

Бутун дунё аҳлининг ларзага солган мудҳиш қотиллик ана шу тахлит етилиб келади. 1984 йилнинг 31 октябр куни Индира Гандининг англиялик ёзувчи Питер Устинов билан учрашиши ва унга берган интервьюси телевидения орқали намойиш этилиши режалаштирилган эди. Бу учрашувга Индира Ганди алоҳида тайёргарлик кўради. Эгнига энг чиройли либосини кияди ва у ўзига нечоғлик ярашганини кўриш мақсадида кўзгуга қарар экан, қўйлаги остидаги ўқ ўтказмайдиган зирҳ (броножилет) қоматини бузиб тургандек туюлади. У аёллигига бориб, ҳушёрликни унутади ва ўқ ўтказмайдиган зирҳни эгнидан ечиб ташлайди...

Шундан сўнг у ўзининг қўриқчилари ёнига бораркан, одатдагидек табассум қилади. Қўриқчилардан бири — Беант Сингх кутилмаганда, қўлига қурол олиб, тўппа-тўғри Индира Гандининг юрагини нишонга олиб, ўқ узади. Иккинчи хоин — Сотвант Сингх эса қўлидаги автомат билан Индира Гандининг қонга беланган жасадини пора-пора қилиб ташлайди.

Индира Гандининг ҳаёти ана шу тарзда фожеали якун топади. Унинг ўрнини ўғли Ражиб Ганди эгаллайди.

Бироқ у ҳам ёвуз террор хуружидан омон қолмайди.

Бобомурод РАЙИМОВ
тайёрлади

Charxi kajraftor

ПАРАШЮТДАН КИМ САКРАЙДИ?

Флорида штатида ҳали турмушга чиқмаган қизларга якшанба кунлари парашютдан сакраш маън этилган.

ЭШИК-ДЕРАЗАДАН УЗОҚРОҚ ЮР!

Арканзас штатида сайловлар ўтказилаётган кун ҳамда овозлар саналаётган пайтда сайлов участкаси дераза ва эшигига 15 қадам яқин бориш таъқиқланади.

ПИШЛОҚ ВА ҚАМОҚ

Италиянинг Феррара шаҳрида пишлоқ тайёрлаш корхонасида антиқа қонун жорий этилган. Яъни корхона ходими иш пайтида ухлаб қолса, қамоқ жазосига тортилади.

ЁНҒИН ВА... АЁЛ

Сент-Луисда ўт ўчирувчиларга ёнғин пайтида ҳам яланғоч аёлларни қутқаришга рухсат этилмайди.

АЁЛГА «ҲУРМАТ»

Кентуккида сузиш либосидаги аёллар, агар ёнида икки нафар полиция ходими ёки белкурак бўлмаса, ёлғиз юришга рухсат берилмайди. Фақат оғирлиги 40 килограммдан кам ва 90 килограммдан юқори бўлган аёллар бундан мустасно.

НОМУТАНОСИБЛИК ЖАЗОСИ

Нью- Йоркнинг Кармел шаҳрида эркакларнинг эгнидаги шим ва костюм икки хил рангда бўлса, ҳеч шубҳасиз, 500 доллар миқдорида жарима жазосига тортилади.

ТАНГА БЕРМАНГ!

Канадада жамоат жойларида бинт ва бошқа боғловларни ечиш йирик миқдордаги жарима жазосига тортилишга олиб келади. Шунингдек, мазкур мамлакатда баҳоси 50 центдан юқори турувчи моллар учун бир центли тангалар бериш ҳам қатъий таъқиқланади.

Дилноза МУРТОЗАЕВА тайёрлади

Чорвоқ

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

НОБАКОР ФАРЗАНД

СУД ОЧЕРКИ

Оддий кунларнинг бирида ҳар доим маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг эътиборида бўлган Света хола бирдан кўринмай қолди. Қизиқ, ҳеч кимга ҳеч нима демай тўсатдан қаерга ғойиб бўлиши мумкин?!.

Ахир, у ўз қўни-қўшнилари билан тинч-тотув, аҳил яшаб келаётган эди-ку?!

Бундай кутилмаган воқеадан табиийки, маҳалла аҳли ташвишга тушиб қолди. Бунинг устига Света хола ёлғиз яшамас, унинг Андрей исмли ўғли бор эди. Аммо боласи тушмагур ёшлигидан анча "куйдирги" чиқди. Биринчи марта у 14 ёшида, яъни 1992 йил Задарё туман суди томонидан эски таҳрирдаги Жиноят Кодексининг 125-моддаси 2-қисми билан судланди. Иккинчи марта эса 1996 йил яна йўлдан адашиб қамоққа тушди.

Шу зайлда ҳали йигирма ёшга тўлмай у бутунлай йўлдан адашиб кетди. Ичкиликка муккасидан кетиш, кайф-сафо, бир сўз билан айтганда, бетартиб ҳаёт унинг яшаш тарзига айланди. У ўзидан бўлак ҳеч нарсани ўйламасди.

Бироқ она барибир она-да. У ўз фарзанди ҳақида ўйлар, Андрейга ҳам инсоф беришни худодан ялиниб-ёлвориб сўрарди. Ўтирса ҳам, турса ҳам онанинг хаёлидан ўғли нари кетмасди. Ўғил эса ичкиликка шу қадар муккасидан кетган эдики, қўлига пул тушди дегунча дўконга қараб югурар эди. Ҳатто шундай пайтлар ҳам бўлардики, Света хола уйда бўлмаса, тамом, Андрей хонадондаги қўлига тушган нарсани кўчага олиб чиқиб, арзон-гаровга пуллаб юборарди.

— Бу кетишда Андрюшам, — дерди она ўз фарзандидан нолиб, — мени кафангадо қилади. Бунинг бир чорасини кўрмасам бўлмайди.

Ана шу мақсадда она елиб-югуриб ўғлини Наманган туманидаги наркологик диспансерига даволанишга юборди. Андрей у ерда икки ойдан ортиқ ётди. Муолажа фойда бериш даврига келганида Андрей диспансердан қочиб кетди.

— Нега қочасан, — дея хуноби ошди Света холанинг.

Андрей онасига жавобан ўта қўпол муомала қилди. Она-бола ўртасида жанжал чиқди. "Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога" деганларидек, она дарду аламини ичига ютди, Андрей минг қилса ҳам ўз ўғли, бегона эмас. У ўз куйида йиғлади-сиқтади, пешонаси шўр эканидан нолиди, яккаю-ялғиз ўғли ичкиликка берилиб кетганидан дарду-дунёси қоронғи бўлди.

Ўғлига панду-насиҳат, тергашлари кор қилавермагач, онаизор шўрлик индамай қўйди. Тақдирдан мўъжиза кутиб яшайверди. Кунлар ҳам шу зайлда аста-секин ўта бошлади. Худо қарғаган ёз кунларининг бирида эса ҳамманинг кўз ўнгидаги Света хола кутилмаганда ғойиб бўлиб қолди. У ерга кирдими, осмонга чиқдими — хуллас, ҳеч қаерда қораси кўринмасди. Ўғли Андрей эса қўлидаги бир даста калитни ўйнатганча кўчанинг у бошидан-бу бошига бориб келарди. Кейин у кутилмаганда уйига аллакимларни бошлаб келиб диван ва бошқа анжомларни битта-битта пуллашга тушди. Ўғилнинг бундай хатти-ҳаракатидан хавотирга тушган Тожибой ака Оққулов эрталабдан "Бирлашган" маҳалла фуқаролар йиғини раисини безовта қилди.

— Эсонбой ака, — деди у, — қўшним Света кўринмай қолди. Ўғли Андрей қўлида бир даста уй калитни ўйнатиб юрибди. Кўриниши жуда бежо...

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эсонбой ака бу ҳақда ҳудуд нозири Одилжон Абдуллаевга хабар берди.

— Фуқаролар йиғини идорасидан шеригим Ҳайитали Солибоев билан қайтаётган эдик, — дейди Обиджон Қодиров, — Э.Ўрмонов номидаги кўчага етиб келганимизда, ҳудуд нозири Одилжон Абдуллаев билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эсонбой ака Нишонов машинада келиб тўхташди. Улар "Андрейнинг уйига кириб чиқайлик", дейишди. Андрейнинг уйига бордик. Дарвозани тақиллатиб чақирдик. Уйидан ҳеч ким чиқмади. Қўшниси М.Султоновдан "уйида бирон-бир киши борми?" — деб сўрадик. У уч-тўрт кун аввал Андрей онаси билан жанжаллашгани, шундан бери Света опа кўринмай қолганини айтди. Икки кун аввал эса, Андрей уйидаги диванларни ҳам сотиб юборган экан.

— Кейин биз яна Андрейнинг дарвозасини тақиллатдик, — қўшимча қилди Ҳайитали Солибоев, — яна ҳеч ким чиқмади. Маҳалла посбони Одилжон Қодиров дарвозадан ошиб ҳовлига кирди. Дарвозани ичкаридан очди. Тўрт киши ҳовлига кирдик. Света опа ва Андрейнинг исмини айтиб чақирдик. Уй ичида телевизор қўйилган, овози баланд эди. Шу боис ичкаридаги одам ҳеч кимнинг овозини эшитмас эди. Хуллас, уйдан ҳеч ким чиқмади. Ичкарига кириб боришга мажбур бўлдик. Не кўз билан кўрайликки, хонада Андрей бир рус аёли билан айш-ишрат қилаётган эди...

— Биз ноқулай аҳволга тушиб қолдик, — деб давом этди Эсонбой ака Нишонов, — ҳудуд нозири Одилжон Абдуллаев Андрейга "кийимларингни кийиб чиқ" деди. Андрей кийиниб чиқди. У билан суҳбатлашаётганимизда ҳовлида қандайдир қўланса ҳид димоққа гуп этиб урилди.

— Мен 11 август куни кундузи соат иккиларда Света опадан хабар олгани борган эдим, — дейди Одилжон Абдуллаев, — дарвозани роса тақиллатдим. Ҳеч ким чиқмади. Света опа бирон жойга кетгандир-да, деб ўйладим. Эртасига "Бирлашган" маҳалла фуқаролар йиғинида мажлис ўтказдик. Йиғилишда Света опа кўринмади. Мен бу ҳақда Эсонбой акадан сўрадим. У киши икки-уч кун аввал Света опанинг уйида жанжал бўлгани, шундан сўнг кўринмай қолганини айтди.

— Онамни Андижонга касалхонага ташлаб келдим, — деб жавоб берди Андрей ҳудуд нозирига.

— Нега ўзимизда касалхона бўла туриб, онангни Андижондаги касалхонага жойлаштирдинг?

— У ерда тоғаларим бор.

Андрей шундай деди-ю, бироқ қўрқув тўла кўзларини ҳаммадан олиб қочди. Ҳудуд нозири ҳушёрлик билан Андрейни туман ички ишлар бўлими идорасига бошлаб борди. Шундан сўнг мудҳиш қотиллик ошкор бўлди...

Она-бола ўртасидаги охирги жанжал 7 август куни кечки пайт бўлиб ўтган эди.

— Сени яна наркология диспансерига ётқизмасам, бўлмайди, — деди она ётар чоғида, — ҳар куни аҳволинг шу.

Бу гапни эшитиб, Андрейнинг кўзига дунё тор кўриниб кетди. Туни билан мижжа қоқмади. Тонг отди. Ўғил ўрнидан туриб, онаси ётган хонанинг эшик тирқишидан мўралади. Она қотиб ухлаётган эди. Нобакор ўғил кечаси билан ўйлаб чиққан мудҳиш режасини амалга оширишга

Johillik kasri

киришди. У оёқ учида омборхона томон йўл олди. У ердан чархланган болтани қўлига олиб, бир пасда онаси боши устида пайдо бўлди. Кўз очиб, юмгунча фожеа юз берди.

— Онамни ўлдириш мақсадида бўйнига болтани зарб билан урдим, — дейди қотил, — у шу заҳотиёқ тил тортмай жон берди. Кейин унинг юзини ёстиқ билан бекитиб қўйдим.Болтанинг дами қонга беланди. Уни ювиб омборхонага яширдим. Онамнинг жасадини эса кўзимни юмиб, чойшабга ўрадим. Шунда унинг қўлидаги тилла узукка кўзим тушиб қолди. Узукни ечиб олдим. Онамнинг жасадини эса чала битган омборхонага яшириб, устидан қулфлаб қўйдим. Узукни Наманган шаҳридаги поезд вокзали олдида жойлашган кўприк устида икки нотаниш кишига 50 000 сўмга сотиб юбордим...

Бу фожеа ана шу тахлит рўй берган. Албатта, қотил ўғил қилмишига яраша жазо олди. Лекин бу фожеанинг ҳар бир кишини ўйлантирадиган жиҳати кўп. Энг аввало, бу фожеани қандай иллатлар келтириб чиқарди? Андрей қачон бу тубан йўлга кириб улгурган? Бу фожеанинг олдини олиш мумкин эдими?

Ўйлаймизки, бу саволларга жавоб топиш, умуман айтганда, ҳаётда ҳамиша ҳушёр бўлиш, соғлом турмуш тарзини яратишга интилиш, бир-биримизни асраб-авайлаш ана шундай фожеаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги 1-сонли лицей-интернат томонидан Жўраев Дилшод Тўлқинович номига 2000 йилда берилган O'R-A №721615-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхата олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфиддин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50